# Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

44 сон

28 октябр-3 ноябр 2004 йил


# ҚИМИРЛАГАН ҚИР ОШАР



*Булунғур туман "Садаф" тадбиркор аёл уюшмаси бошлиғи Санобар Қаюмова ўз ҳаёти ва иш фаолияти ҳақида шундай ҳикоя қилади:*

- Уч ўғлим бор. Ҳаётда қийналган пайтларимиз ҳам бўлди... Аммо томорқада экин экиб, оилани кўтаришга ҳаракат қилдим. 1991 йил бир турк қўшнимиз олтита қўйини бизга ҳадя этиб, бошқа юртга кўчиб кетди. Тақдирни қарангки, менинг чорвадор бўлишимга бу бир туртки бўлди гўё. Қўйларим 54 тага, битта сигирим 7тага кўпайди. Меҳнатга иштиёқимни кўриб, ҳокимият менга 15 гектар ер ажратди.

Болаларим, қайноғам ёрдамида полиз экинлари етиштира бошладик. Шу орада қишлоқда "Омад" ҳиссадорлик дўконини очдик. Аёллар, бола-бақралар, бозорга бориб, қийналиб юрмасин деб, арзон нархларда кундалик эҳтиёж учун зарур 8 хил маҳсулот сотилишини йўлга қўйдик.

1997 йил "Мададкор" фермерлар ассоциацияси ва Булунғур тумани "Меҳрибонлик корпуси" лойиҳаси вакиллари менинг ишим билан қизиқиб қолишди. Америкадан келган тадқиқотчи Грейс Жонс ва лойиҳанинг Ўзбекистондаги раҳбари Қуёш Қодировлар биз етиштираётган картошка, карам, қовоқ, пиёз ва бошқа полиз экинларини бориб кўришди. Сўнг мени ҳам жамиятга аъзоликка қабул қилишди. Ишимни кенгайтиришим учун 300 минг сўм пул ажратишди. Менда ҳам янги ғоялар туғила бошлади. Уйда ўтирган 14 нафар аёлни йиғиб, "Садаф" тадбиркор аёллар уюшмасини очдим. "Мададкор" бизга картошка етилгач, қарзни қайтариш шарти билан 14 тонна голландча картошка уруғи берди. Биз - "Садаф" аъзолари уни қишлоқда даланинг тилини биладиган 47 нафар аёлга 300 кг.дан тарқатдик. Натижаси ёмон бўлмади, шу туфайли кўпчилик мустақил фермер хўжалик бўлиб ишлай бошлади.

Чет эллик деҳқонлар ва тадқиқотчилар билан тажриба алмашамиз. Ҳар гал улар бизга янгилик бўлган ноанъанавий экинлар уруғларини олиб келишади. Дарахтда ўсадиган карамларнинг (брокел тури) кўрганмисиз? Унинг - рак касаллигининг олдини олиш хусусияти борлиги учун ҳам жуда қизиқиб етиштира бошладик. Лукпорей пиёзи эса бўйи бир метрга етса ҳам йўғонлашиб, оқ қисми кўпаяркану, бош томони ўша-ўша қолаверкан. Бундан ташқари у жуда мазали, оғизда ҳиди қолмайдиган, ички касалликларга даво экан. Очишок (қатлам-қатлам бўлиб ўсадиган) ўсимлиги ҳам ўт ва буйрак йўлларида тош тўпланишидан сақлайди. Бундай полиз маҳсулотлари тансиқ бўлгани учун ҳам қимматбаҳо ҳисобланаркан. Бу сабзавотларга мамлакатимизда иш юритаётган "Интерконтинентал", "Мир", "Шератон" чет эл ресторанлари буюртмалар беришмоқда. Улардан тайёрланган таомлар, салатлар хушхўрлиги ва ноёблиги билан ажралиб туради.

2002 йил "Меҳрибонлик корпуси" ҳалқаро лойиҳасининг Америка бўлими вакили Анжелика хоним билан учрашдик. Хоним бизнинг ерларимизда ўстирилган ўз экинларининг ҳосилини кўриб, аёлларимизнинг уддабуронлигига қойил қолди. Биз ҳам, 14 киши Грей Жонс ва Қуёш Қодировнинг тавсияси билан 14 кун мобайнида Лондон ва Туркияга бориб, иш услубини ўргандик.

Яқинда ишларимга қўшимча 20 кишига мўлжалланган тикув цехи очдим. Ҳозирча 8 нафар чеварлимиз бор. Бу ерда чеварчилик билан бирга қизларни оилага тайёрлаш бўйича ҳам машғулотлар ўтказамиз. Қишлоқдаги мавсумий ишларга ҳам ўз ҳиссамни қўшишга ҳаракат қиламан. 4 гектар ерга тут дарахти экканмиз. Ҳар йили баҳорда пилла қурти парвариишлаймиз. Албатта, бу муваффақиятларга ўз-ўзидан эришганимиз йўқ. Фарзандларим - Бахтиёржон, Содиқжон, Давронжон, келинларимнинг кўмаги, "Килдон" ширкат хўжалиги бошлиғи Ислом Бўриевнинг маслаҳатлари, ёрдамлари беқиёс.

Бир донишманднинг қуйидаги ўгити ҳаётий шиоримга айланган:

*" Иш ва мақсад бошига етишарсан, эй одам,*
*Яхши ном қолдиришга интилавер дамо-дам"...*

**С.ФАХРИДДИНОВА**
ёзиб олди.

*Тадбиркорлик давр талаби*

# АЁЛИНИ ЭЪЗОЗЛАГАН ҚАДР ТОПАР



Бозор айланиб юриб, бир онахоннинг аёллар рўмолини сотиб ўтирганига кўзим тушиб қолди. Рўмол шу даражада нафис ва бежирим қилиб тўқилгандики, уни ўраган ҳар бир аёл янада кўркам бўлиб кетиши табиий, эди.

**-Рўмолингизни қаердан олдингиз?-дея сўрадим онахондан.**

-Ўзим тўқидим болам,-деб жавоб берди у. Мен онахондан битта рўмол харид қилиб олиб, аёлимга совға қилдим. Шу кундан бошлаб, "Агар ана шу аёлларни уйда, оиласи, болалари даврасида ўтириб ишлайдиган юмуш билан таъминласак қандай бўларкин? Ҳам аёллар иш билан банд бўлади, ҳам маҳсулотни бозорда сотиб ўтириб вақтини кетказмайди",- деган фикр хаёлимни чулғаб олди. Инсонда яхши тилак, умид, орзу-ҳавас бўлса, шунинг ўзи унинг кучига-куч, ғайратига ғайрат қўшаркан.

Доно халқимизда: "Қуруқ қошиқ оғиз йиртар",- деган мақол бор. Ана шу нақлга амал қилиб мен вилоятимиз туманларида яшовчи аҳолининг яшаш шароитлари билан танишиб чиқдим. Аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларни жамиятда ўз мавқеларига эга бўлишларини таъминлаш мақсадида "Бувайда" ҳиссадорлик жамияти томонидан ишга лаёқатли бўлган, иш билан таъминламаган аҳолини 2005 йилда иш билан таъминлаш дастурини ишлаб чиқиб Республика хотин-қизлар қўмитасига тавсия этдик. Қўмита бизнинг иш режамизни қўллаб-қувватлади.

Очиқ турдаги Янгиқўрғон ипгазлама ишлаб чиқарувчи "Бувайда" хиссадорлик жамиятида 1057 нафар ишчилар хизмат қилади. Шулардан кўпчилигини хотин-қизлар ташкил қилади. Жамиятимиз томонидан тумандаги мавжуд 11 та қишлоқ фуқаролар йиғинидаги хўжаликлар ўрганиб чиқилганда, ушбу хонадонларда иш билан таъминланмаган ёшлар борлиги аниқланди. Ушбу кузатувни биз қўшни туманларда ҳам ўтказиб, Фарғона вилоятининг барча туманларидаги 700 дан ортиқ аёлларни иш билан таъминлашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Корхона туманимиз хонадонларида боқилаётган қўй-эчкиларнинг жунлари қайта ишланиб, болалар, ҳамда катталар учун пайпоқ, шимлар, кигизлар ишлаб чиқаришга мослашган. Бу иш асосан қўл меҳнати орқали хонадонларда бажарилади

Ҳар бир қишлоқ фуқаролар йиғинларида маҳсулотни қабул қилиш масканлари барпо этилди. У ерда хом ашё қабул қилувчи шахслар бор. Уларга банкларда махсус ҳисоб рақамлари очилган бўлиб, "Бувайда" ҳиссадорлик жамияти томонидан (яъни марказдан) маблағ ўтказиб берилади. Хом ашё қабул қилувчилар нақд пул эвазига хонадонлардан қўйэчкилар жунларини харид қилиб, қайта ишловчи хонадонларга тарқатилади. Қайта ишланган жунлар калава ипи ҳолатига келтирилиб, ишлаб чиқарувчи хонадонларга тарқатилади. Тайёр маҳсулотлар эса Республикамизнинг ички, ҳамда ташқи бозорларида сотилади. Яқинда Россиянинг "Кузбассмехпром" корхонаси билан шартнома туздик. Шу йилдан бошлаб уларга маҳсулотни экспорт қилишни бошлаймиз. Агар кўзлаган мақсадимиз амалга ошса, биринчи навбатда аёлларимизнинг оғирини енгил қилган бўламиз.

**Адҳамжон СОЛИЕВ,**
**Фарғона вилояти, Бувайда туманидаги "Бувайда" ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси.**

**Н. ЙЎЛДОШЕВА**
ёзиб олди

# ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ УЙҒУНЛИГИ



Шоҳидахон Неъматова ўқитувчилик қилди, узоқ йиллар Оқдарё халқ таълими бўлимини бошқарди. Бугунги кунда Самарқанд вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини. У энг чекка қишлоқлардаги мактабларнинг шароити, ўқитувчиларигача номма-ном билади. Шоҳида Неъматова биз билан суҳбатда шундай дейди:

-Истиқлолнинг 13 йиллиги арафасида Ургут туманидаги 123, Нуробод туманидаги 43, Паст Дарғом туманидаги 67-мактаблар ишга туширилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Таълим масканларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқув шароитларини яхшилаш каби хайрли ишларга саховатли, мурувватли инсонлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Ҳомийлар томонидан Булунғур туманидаги 15, Оқдарёдаги 34-мактабларга спорт зали қуриб берилди.

Шоҳидахон Неъматова турмуш ўртоғи Суннат ака билан 36 йилдан бери тинчтотув яшаб келишаяпти. Икки ўғил, икки қизни муҳаббат билан тарбиялашди. Тўнғичлари Суръатжон ички ишлар соҳасида хизмат қилади. Самаджон жамоа хўжалигида раис муовини. Қизлари Сурайёхон, Чаросхон она касбини эгаллашди.Кўзларни яшнатиб, қалбларни яйратиб, бир-биридан ширин ўн набира камол топмоқда.

**Х. ҲАМРОЕВА**

Обуна—2005



*-«Оила ва жамият» оилалар тинч-тотувлиги, бахт-камоли йўлидаги фаолиятимизда беминнат кўмакчидир,-дейди Пахтачи туман прокурори Шомирза Худойқулов.*

*Суратчи-О. НУРМАМАТОВ.*

# ҚЎНИ-ҚЎШНИ, ҚАРИНДОШ КЎРСИН СЕНДАН ЯХШИЛИК



Меҳр-мурувват, меҳр-шафқат, эҳсон (яхшилик) инсоннинг табиий вазифаси, бурчи эканлигини Аллоҳ таоло Қуръони каримда бир неча бор таъкидлаган: **“Аллоҳ сенга эҳсон қилганидек, сен ҳам эҳсон қил”** (қасос сураси, 77-оят). Кимки эҳсон қилса, унинг савоби, фойдаси унинг ўзига бўлади, ажрини ўзи кўради: **“Агар эҳсон қилсангиз, ўзингиз учун қиласиз, ёмонлик қилсангиз ҳам ўзингиз учун** (исо сураси, 7-оят). Аллоҳ эҳсон қилганнинг яхшилигини, ўн баробар қилиб беришини айтади”. **“Кимки бировга яхшилик қилса, унга ўша яхшилиги ўн баробар қилиб берилади” (анъом сураси,** 160-оят).

Қуръонда қайд қилинган фарз эҳсонлардан бири закотдир. Бой-бадавлат киши айланиб турган маблағ-молларидан 40 дан бири (2,5%)ни ҳар йилига камбағал-қашшоқларга бериши шарт.

Яхшилик, мурувват ҳақида бир қанча ҳадиси-шарифлар мавжуд. Буюк алломаларимиз, шоирларнинг жуда кўп ҳикматли сўзлари айтилган. Буюк Алишер Навоий деган эканлар:

***Ки ҳар ким аён этса қилиқ,***
***Етар яхшиликдан анча яхшилик.***

Муҳаммад Зеҳний деган олим: “Одамларнинг яхшироғи ўз қалбида яхшиликка йўл очгани ва ёмонликни ҳамда очкўзликни ҳайдаб чиқарганидир”,- деган экан.

Вальтер Скотт деган олим: “Агар одамлар бир-бирларига ёрдам қилмасалар, инсон уруғи йўқолиб кетади”,- деган экан.

Машрабнинг “Мабдаи нур” китобида келтирилган бир ҳикояда Хожа Толиб Балхий деган авлиё 50 марта ҳаж қилган экан. Чўлда кета туриб чанқоқликдан ҳалок бўлаётган бир итга кўзи тушади ва халққа хитоб қилиб:

***Мард бўлса манга бўлсин рўбарў,***
***Эллик ҳажга ким берур бир коса сув,***

- дейди. Бир киши бир коса сув билан чиқади. Шайх сувни итнинг оғзига қуйиб, ўлимдан сақлаб қолади ва эллик ҳажнинг савобини бир коса сувга бериб юборади. Авлиёнинг бир муриди: “Нима қилиб қўйдингиз, эллик ҳаж савобини бир коса сувга бериб юбордингиз”,-деганда:“Мен эллик ҳаж қилганман деб, мағрурланишдан қутулдим ва Худонинг бир махлуқини ўлимдан сақлаб қолдим”,- деган экан. Мана бу ибрат бўладиган эҳсон.

Меҳр-мурувват ҳаммага баробар бўлиши керак. Ғайридин ёки бошқа миллатга мансуб кишилар ҳам инсон, одам боласи, уларни ажратиб қўйиш керак эмас. Бировга мурувватни беминнат, беғараз қилиш керак, қанча катта яхшилик қилса, уни кичик деб билиш, ўзи қилган яхшилигини яшириб, биров қилган яхшиликни эса эл орасига ёйиш керак.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва раҳбарлигида амалга оширилаётган ишлар халқ ва юртимиз манфаати йўлидаги яхшиликлардир. Номи унутилган буюк алломалар номини тиклаш, таваллуд кунларини жаҳон миқёсида нишонлаш, уларнинг мақбаралари, масжид ва мадрасаларни таъмирлаш меҳр-мурувватнинг энг юксак намунасидир. Қанчадан-қанча юксак бинолар, лицей, коллежлар, йўллар, кўприклар, бозорлар, гузарлар қурилди. Биргина Қамчиқ довони тунелини олайлик. Ҳозир бу ердан ҳар куни 10 мингдан ортиқ машина қатнамоқда.




Меҳр-мурувватни энг аввал ота-онадан бошлаш керак. Қуръони каримда Аллоҳ: “Парвардигоринг фақат унгагина ибодат қилишни ва ота-онага яхшилик қилишни амр қилди”,- дейилган (Исро сураси, 23-оят). Кўриб турибмизки, Аллоҳ ўзига ибодат қилишдан кейин иккинчи ўринга ота-онага яхшилик қилишни қўйяпти. Ота-онанинг ҳамма эҳтиёжларини қондириб, батамом ризолигини олгандан кейин кимга меҳр-мурувват кўрсатиш кераклигини ҳам Қуръон оятлари таъкидлаб қўйган: “Яқин қариндошлар, мискинлар, мусофирлар ҳақини адо эт”,- (Исро сураси, 26-оят). Демак, яқин қариндошларга, камбағал, бева-бечора, мусофирларга яхшилик қилиш айтилмоқда. Меҳр-мурувватни яна қўшниларга, маҳалла халқига қилиш лозим. Пайғамбар (с.а.в.) “Қўшниси очлигини била туриб, фақат ўз қорнини тўйғазиб юрадиган одам мўмини комил эмасдир”,- деганлар. Яна бир ҳадисда қўшнига ёмонлик қилмаслик таъкидланади: “Қўшниси унинг ёмонлигидан омонда бўлмаган киши жаннатга кирмайди”. Маҳмуд Қошғарий деган экан:

***Қўни-қўшни, қариндош***
***Кўрсин сендан яхшилик.***

Муҳаммад Жавҳар заминдор шундай ҳикматни айтиб ўтган: “Қўшни ким ва қайси миллатга тааллуқли бўлишидан қатъий назар, уни ҳурмат қилмоқ ва қўшни ҳақ-ҳуқуқини адо этмоқ одамийлик хислатларидан биридир”. Қўшнининг ҳақ-ҳуқуқларидан яна айтадиган бўлсак, бу қўшнига ҳеч вақт озор бермаслик ва хафа қилмаслик, қўшни касал бўлса, ундан ҳол сўраш, бошига мусибат тушса, ёрдам қилиш, ғамшодлигига шерик бўлиш, ундан хато ўтса кечириш, аҳлу аёлига ёмон кўз билан қарамаслик, бирор ёққа кетса, уйидан хабардор бўлиб туриш, қўшни қарз сўраса, қарз бериш, мева-чева терилса, мева билан йўқлаш. Мана булар қўшнига меҳр-мурувват кўрсатишдир.

Меҳр-мурувват фақат моддий эмас, маънавий ҳам бўлиши керак. Ўз илмидан бировларни баҳраманд қилиш, уларни моддий томондан таъминлаб ўқитиш, касб-ҳунар ўргатиш, имкони бўлса, ёнига олиб, иш билан таъминлаш, йўлдан адашганларни (ичувчи, чекувчи, ўғри, қиморбоз, гиёҳванд, каззоб, иғвогар, дунёпараст кабилар) панд-насиҳатлар қилиб, йўлга солиб қўйиш, меҳр-мурувват ва меҳр-шафқатдир. Болалик аёл ёки кекса бирор кишини йўл-йўлакай машинасига солиб кетиш ҳам яхшилик.

Яқинда Тошкентда даволаниб келдим. Ҳамид Олимжон майдонига яқин поликлиникадан Луначарск бозори яқинидаги – марказий клиник касалхонасига бориш учун шахсий машинани тўхтатдим. Қанча ҳақ беришимни сўрадим. “Ота ўтираверинг, берганингиз”, деди. Машинага ўтириб, манзилга етганда, бир тутам пулни чиқариб, “ўғлим шундан ҳақингизни олинг”,- дедим. “Ота, дуо қилиб қўйсангиз бас, пулингизни ёнга солиб қўйинг”,-деб машинани орқага буриб кетди. Касалхонада ошқозонимни Баситхон Саидалиев деган шифокор операция қилди. Ундан қанча ҳақ тўлашим кераклигини сўрадим. “Бир операция учун пул олмаймиз, ҳеч нарса тўламайсиз”, деди. Мана бу меҳр-мурувват. Худди шу кунлари бир қариндошим республика онкология шифохонасида ошқозонини операция қилдирди, 300 доллар олишибди.

Баъзи ҳамюртларим 4-5 марталаб ҳажга боришяпти. Бир марта ҳаж қилиш фарз. Қолган ҳажлар пулини камбағал, бечораларга бериб, уйингни тузаб ол, қизингни турмушга бер, ўғлингни уйлантир ёки дори-дармон олиб, дардингни давола деса ёки меҳрибонлик уйларига бериб юборса, қандай яхши бўлади. Ҳаж ҳақида китобдан қуйидаги ривоятни ўқиган эдим.

Ҳожилар Каъбатуллони тавоф қилиб туришганда, бир олимнинг икки елкасига иккита фаришта келиб қўнибди. Бири иккинчисидан сўради. “Бу йил ҳажга қанча лак, қанча минг одам келди, уларнинг ҳажи қабул бўладими?” Иккинчи фаришта жавоб қилди: “Ҳеч кимнинг ҳажи қабул бўлмади, магар бағдодлик Абу Мавқуб кафшдўзнинг ҳажи қабул бўлди. У туфайли Аллоҳ қолганлар ҳажини қабул қилди. Аммо у одам ҳажга келмаган”. Фаришталар учиб кетди. Ҳаж маросими тугагач, ҳалиги одам ўз юртига кетмай, Бағдодга йўл олди. Шаҳарга етиб келиб, кафшдўзлар маҳалласини суриштириб, Абу Мавқуб кафшдўзнинг уйини топди. Кафшдўз меҳмонни яхши қабул қилиб уйига таклиф этди, дастурхон ёзиб нон-чой қўйди. Меҳмон ҳадеб соҳиби хонага назар ташлайверди. “Меҳмон қаердан бўладилар, менга кўп назар ташлаяптилар”, сўз қотди у. “Мен фалонийман, ҳаж сафаридан келаяпман, сиз Худо йўлида нима савоб ишларни қиласиз?” “Мен Оллоҳнинг ожиз бандасиман, касбим кафшдўзлик ҳафтада беш-ўнта кафш тикиб, бола-чақамни боқаман. Беш вақт намоз ўқиб рўза тутаман”.

Меҳмон уй эгасига ҳаждаги воқеани айтиб берди. “Эй, бу ерда бир гап бор, - деб сўз бошлади кафшдўз, - мен ҳар йили ҳажга бораман деб, аммо тиккан кафшларим оила нафақасидан ортмай боролмай қолаверардим. Ўтган йили ҳам ҳажга боролмагач, бир кичкина қутича буюриб, тепасидаги тешикдан сотган кафш пулидан тўрт-беш фуас (чақа)ни унга ташлаб юрдим. Аллоҳ хоҳласа, бу йил ҳажга бораман деган ниятда эдим. Ҳаж маросими яқинлашиб қолган эди. Бир куни кафшларимни сотиб, бозордан қайтиб келсам, хотиним йиғлаб ўлтирибди, кўзлари қизариб кетган. “Нима бўлди? Ким хафа қилди?” - сўрадим. “Анаву қўшниникига чиқувдим, болалари билан қўй гўштидан қилинган кабоб еб ўлтиришган экан, егим келди. Таклиф қилишмади. Ҳомиладор бўлганим учун,-“кабобдан бир дона беринглар”,- деб сўрадим. “Бу кабобдан сизга берилмайди”,- деб жавоб қилди уй эгаси. Шунчалик ҳам беоқибат қўшни бўладими? Шунга дилим оғриб йиғлаб ўлтирибман”. “У қўшни ундай одам эмас эди-ку!” - деб қўшниникига чиқиб кетдим. “Шунча йиллардан бери аҳл яшаб келганмиз. Болаларингиз билан қўй гўштидан пиширилган кабоб еб ўлтирган экансиз, хотиним ҳомиладорлигини кўргансиз, бир дона берсангиз бўлар эди-ку”. “Хафа бўлманг, қўшни, беш-олти ойдан бери ишим орқага кетиб, дастмояларимдан ажрадим. Пулга арзийдиган нарсаларни сотиб едик. Шу бугун ейиш учун ҳеч нарса йўқ эди. Ё ҳаммоллик, ё гадолик қилиб, бир кунлик егулик топиб келай деб кўчага чиқдим. Фалон жойда бир қўй ўлиб ётган экан, ўшани бир сонини кесиб келиб кабоб қилиб еб ўтирган эдик. Бизга ҳалол, чунки емасак очликдан ҳалок бўламиз. Сизнинг уйингизда егулик овқатингиз бор, сизга ҳаром. Шунинг учун гуноҳкор бўлмай деб, хотинингизга бермадим. Қайғу билан уйимга чиқдим. Бир рўмолни ёзиб, қутичадаги пулларни ағдардим, 2-3 ҳаж пули бўлиб кетибди. Рўмолни тўрт учидан ушлаб қўшниникига чиқдим. “Буни олинг, болаларингизга кийим-кечак қилиб, едириб, ичиринг, бир қисмини дастмоя қилиб айлантиринг. Мен ҳажга келаси йил борсам ҳам бўлаверади”.

Афсуски, ҳамма ҳам баробар эмас. Айрим меҳр-мурувватни билмаган, бойлик орқасидан қувиб, уни кўпайтириш билан овора, закотини бермайдиган, садақа қилмайдиган очкўз, хасис бандалар ҳам оз эмас.

Бу йил Президентимиз томонидан меҳр-мурувват йили деб эълон қилинди. Бу бежиз эмас. Биз меҳру-шафқатли, саховатли, қўли очиқ ўзбек халқининг авлодимиз. Шуни унутмаслигимиз, ота-боболаримиз анъаналарини давом эттиришимиз керак.

**Ҳожи Исматуллоҳ АБДУЛЛОҲ,**
**Ўзбекистон фан арбоби,**
**филология фанлари**
**доктори, кекса мураббий.**

## САВОБ ИШ— ХОСИЯТЛИ

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси “Меҳр ва мурувват йили” ҳамда “Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устивор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Давлат Дастурларида белгиланган вазифаларни ҳаётга жорий этиш учун бир қатор Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Финляндия ҳукумати, Олмониянинг “NORMANN Audition GmbH” етакчи компанияси, 2-Тошкент Давлат Тиббиёт Институти кафедраси ҳамда жамғарма томонидан заиф эшитувчи болалар билан алоҳида иш олиб борилди. Олмониянинг етакчи компанияси оториноларинголог-аудитолог шифокор И.А.Бикловани малака ошириш учун ГФРнинг Колледо шаҳрига боришига молиявий ёрдам кўрсатди.

Яқинда “Соғлом авлод учун” халқаро жамғармасида бемор болаларга эшитиш мосламаларини топшириш бўйича тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда бемор болаларга эшитиш мосламалари ва эсдалик совғалар топширилди. Ота-оналар ва болалар уйи мураббийлари кўрсатилган ғамхўрлик учун ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

**Ахборот**

## ИЖОДКОР АЁЛЛАР УЮШМАСИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Республика Ижодкор аёллар уюшмасининг Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирга журналист аёллар, олий ўқув юртларининг журналистика факультетларида таҳсил олаётган талаба қизлар қатнашдилар.

Тошкент шаҳар ҳокими муовини, Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдураҳимова хотин-қизлар қўмиталарининг оммавий ахборот воситалари билан алоқаси, хотин-қизларга мўлжалланган матбуот органлари ва нашрларда ёритилаётган мавзу ва муаммолар ҳақида гапирди.

Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси қошида жамоатчилик асосида “Идожкор аёллар уюшмаси” ташкил этилди. Унга фаол ижодкор аёллардан иш юритувчилар тайинланди. Уюшмага давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситаларида хотин-қизлар ҳаётига оид мавзуларни ёритувчи журналист хотин-қизлар ҳамда журналистика факультетларидан талабалар аъзо бўлдилар.

**С.ФАХРИДДИНОВА.**



**«Инсоният буюк одамларни вужудга келтириш учун, тинмай тер тўкиши лозим».**
**Фридрих Ницше**

# ЮК КЎТАРГАН ЮЗАГА ЧИҚАР

1974 йил... ТошДУнинг журналистика факультети талабаси бўлдик. Илк дарсимиз - "Журналистика тарихи"ни ўрганишдан бошланди. Адл қоматли, хушбичим, истараси иссиқ аёлнинг кўзлари чақнаб аудиторияга кириб келиши ҳеч эсимдан чиқмайди.

- Салом, дўстларим! Авваламбор журналистика оламига хуш келибсиз! Мен сизнинг курс раҳбарингиз, аниқроғи, дўстингиз Назира Абдуазизова бўламан... - деганда бироз "бегонасираб" турган талабаларнинг юзлари ёришиб кетганди ўшанда.

Назира опа 5 йил давомида биз учун нафақат устоз, балки дугона, яқин маслаҳатгўй бўлди...

Назира Абдуазизованинг қўлидан "учирма" бўлган юзлаб талабалар айни пайтда жамият ва фан арбоби, газета-журналларнинг бош муҳаррири, мухбирлари бўлиб, "журналист" номини ва нонини оқлаб юришибди.

Тарих фанлари доктори, профессор Назира Абдуазизова 60 ёшга тўлди. Сафдошлари, шогирдлари, дилдошлари у ҳақда ғурурланиб, меҳр билан сўзлашади.

- Опа республикамизда журналистиканинг шаклланиши ва тараққиётини чуқур тадқиқ этди,-дейди сиёсатшунослик фанлари доктори, профессор Нарзулла Жўраев. - У оммавий ахборот воситаларига оид монография ва дарсликлар яратган таниқли тарихчи олимадир. Назира опанинг илк машқлари болалар газетаси, радиотўлқинлари орқали мухлисларга етиб борган бўлса, бугун "Туркистон матбуоти тарихи", "Академия", "Ўзбекистон журналистикаси тарихи", "Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари", "Матбуот ва маънавий мерос" номли китоблари мустақил Ўзбекистон журналистикасига қўшилган муносиб ҳиссадир...

- Аёл фақат ўз мақсадларини рўёбга чиқариш учун ҳаракат қилса, табиий, бир томонлама ютуққа эришади,-дейди шоира Ойдин Ҳожиева. - Агар бу мақсадни болаларининг келажаги, турмуш ўртоғининг қизиқишларига қаратса, оила гуркираб, ҳосилидан жамият ҳам баҳраманд бўлади. Назирахон ана шундай икки томонлама довонни забт этди. Умр йўлдоши Баҳодир Ахмедовнинг таниқли кинорежиссёр, деган номга эришувига, ўғли Беҳзоджон ва қизи Нилуфархоннинг иқтидорли иқтисодчи бўлишларига имкон яратди.

Иқрорларнинг, эътирофларнинг адоғи йўқ...

Суҳбатни устознинг айни пайтда Бош илмий ходим бўлиб ишлаб турган Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги, «Ўзбекистоннинг янги тарихи Маркази»да давом эттирдик:

- Адам Абдумажид ота уста ҳунарманд одам эди. Дўппи, телпакларнинг қадимий нусхаларини тикишда улардан ўтадигани бўлмаган. Менинг қўлларим ҳам ҳануз дўппи тикишни соғинади. Онагинам Ҳикоятхон ая эса уй бекаси эди. У биз - 8 фарзанд тарбияси, билимли бўлиб вояга етишувимиз йўлида ўзини бағишлади. Тўрт акам фан арбоби, профессор, қизлар мураббий, шифокор, педагог бўлишди. Ўзим ҳам ҳеч қачон меҳнатдан қочмаганман. Кунларимни бўлакларга бўлардим - тонгдан тушгача илм билан шуғуллансам, ярим кун болалар тарбияси йўлида жоним ҳалак эди. Икковига ҳам инглиз тили, француз тили ва рус тилини мустақил ўргатдим. Болаларим мактабни олтин медаллар билан, олийгоҳларни имтиёзли дипломлар билан тугатишди, ўз соҳаларининг билимдони бўлиб етишдилар. Икки қайнонага - қайнона ойим ва қайнонам хизматида бўлардим. Тунларимни илмий ишим устида бедор ўтказардим.

Москвада Ломоносов университети аспирантурасида ўқиб юриб, йиққан манбаларим докторлик ишимга асқотди. 1997 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилдим. Ҳаётдан топган ҳикматим шу бўлдики, кўз бошларкан, қадам ташларкан. Фақат кўзни илм нури, қадамни шиддат тарк этмаса бўлгани!

* * *

**Устознинг китоб жавонига кўз ташлайман. Унинг 8 та монографияси, 4 ўқув методик қўлланма ва 3 рисоласи - бугунги кунда Ўзбек журналистикасининг ютуғига айланганлиги кўнглимда фахр уйғотди. Олиманинг «Ўзбекистон адабиёти тарихи» китоби асосчиси, академик Воҳид Абдуллаев авлодидан эканлиги бежиз эмаслигига имон келтираман. Минглаб мисраларни ёддан айтган қомусий олимнинг кувваий ҳофизаси Назира Абдуазизованинг ҳали яна қанча авлодида рўй кўрсатишига ишонгинг келади.**

**Санобар ФАХРИДДИНОВА**

*Журналист ён дафтаридан*

# БЕЛАНЧАККА БОҒЛАНГАН АЁЛ...



Мактабда бирга ўқиган дугонам Маҳбубахонни кўрганимда, мунглиғ кўзларидан кўп нарсани уққандай бўлардим. Фарзандсизлик унинг келинлик кўркига соя ташлаб турарди. Узун тунлар бедор ўтириб шеърлар ёзарди:

***Бу не тақдир, бу не азобдир,***
***Яшамоққа қўймаса хаёл.***
***Тушларида аллалар айтса,***
***Она бўла олмаган аёл...***

Турмуш ўртоғи билан аҳил яшаётган дугонам катталарнинг маслаҳати билан фарзанд олиб тарбия қилишди. Яхши ниятда чақалоққа Умидахон деб исм қўйдилар. Буни қарангки, шу қизалоғининг орқасидан бирин-кетин уч фарзандли бўлишди. Бағри болага, уйи нурга тўлди.

Энди ёш болаларининг парвариши ва уй-рўзғор ишлари билан қийналаётгани ҳам аввалги фарзандсизлик қийноқлари олдида кўзига кўринмайдиган бўлди. Гўдакка оналик меҳрини тутмоқ, тунлари чақалоқ бўйларидан сармаст бўлиб алла айтмоқ, бир умр бешикларга боғланиб яшамоқ илинжи қанчалар ширин...

* * *

Гўдаклигидан қулоғига алла кирган боланинг ўз уйига, демакки, Ватанига меҳри бошқача бўлишини таъкидлашади. Биз эса тортинибми, дадил алла айтолмаймиз. Лекин билиш, айтиш ҳам керак экан. Ривоятда айтилишича, бир онанинг ёлғиз қизи хорижлик савдогар йигит билан аҳду паймон қилишибди. Бундан хабардор бўлган ота-она ва қариндошларнинг "Узоқ эл, борсанг ҳеч қачон қайтиб келолмайсан", қабилидаги ўгит-маслаҳатлари ҳам қизни бу йўлдан қайтаролмабди. Ноилож, тўй қилиб, қизга оқ фотиҳа беришибди. Кетиши олдидан она қизини бағрига босиб, илтимос қилибди: "Жон болам, соғ бўл, саломат бўлгин, фарзанд кўрсанг уларнинг ҳеч бирига алла айтма! Айтсанг бутун умр норизо кетаман".

Хуллас, йигитнинг юртида саккиз йилдан сўнг фарзанд кўришибди. Онасининг илтижоси қизнинг эсидан чиқмаган экан, боласига алла айтмабди. Кунларнинг бирида фарзанди қандайдир касалга чалиниб, оламдан ўтибди. Қизнинг қайғуси оламга сиғмабди. Иккинчи фарзанди ҳам узоқ турмабди.

Учинчи ўғли туғилибди. Бу фарзанди куну тун йиғлайдиган одат чиқарибди. Отанинг кўрсатмаган табиби қолмабди. Шунда хизматкорлардан бири хўжайинига: "Хотинингиз болага бемеҳррoқ чиқди. Аввалги иккитасига ҳам бирон марта алла айтганини кўрмадик", - деб қолибди. Дарғазаб эр: "Қандай бемеҳр онасан, алла айтсанг-чи болага!" - дебди. Аёл чор-ночор алла айта бошлабди:

***Алла айтай, жоним болам,***
***Ухлаб қолгин, алла.***
***Бахтимга сен катта бўлгин,***
***Ширин қўзим алла...***

Онасининг овозини тинглаган бола аста-секин ухлаб қолибди. Шу-шу алла айтаверибди. Ўғил бутунлай тузалиб кетибди. Лекин жувон алла айтди дегунча, туғилиб ўсган қишлоғи, ота-онаси, дугоналари кўз олдига келаркану, ўзини қўярга жой тополмас экан. Шундагина у онасининг нима учун "алла айтмагин", деган сўзларини тушуниб етибди.

Бир тожик аёли билан поездда ҳамроҳ бўлгандим. Институтда бирга ўқиган рус йигитига турмушга чиққанлигини гапириб берди. Оилада қайси тилда гаплашишаётгани билан қизиқдим.

- Ўзимиз ҳам, фарзандларимиз ҳам икки тилни биламиз, она тилимизни қадрлаймиз. Биринчи фарзандим туғилганда тожикчада алла айтдим. Қолган болаларим ҳам шу алла билан катта бўлишган...

Бир дугонамнинг аччиқ қисмати ҳали-ҳануз юрагимни тимдалайди. Чақалоқлигида онасидан айрилган Маъсума болалар уйида катта бўлди. Отасини эслолмади. Фақат кровати тепасида парвона бўладиган кекса рус кампирини ва унинг айтган русча алласини эслайди. "Менга ўзбекча алла айтишмаган", дерди у армон билан. Яқинда Маъсумани кўриб қолдим. Анча суҳбатлашдик. Бола-чақали бўлиб, ўзидан тинчиган. "Эслайсанми, - дейди у. - Алла ҳақида гапиргандим. Мен болаларимни худди рус энагамдай алла айтиб ухлатаман, фақат ўз она тилимда. Ўзим эшитмаган аллаларни, юрагимнинг туб-тубида яширинган ҳисларимни, бор меҳримни қўшиб алла айтаман".

Ҳа, бу дунёда аёл учун бешикнинг ёнидан кўра ярашиқли жой, баландроқ тахт йўқ...

**Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА**
**Андижон вилояти, Олтинкўл тумани, "Олтинкўл" газетасининг бўлим мудири.**

**ГАЗЕТХОНЛАРИМИЗ ИЖОДИДАН**

## ЭСЛАМАЙ ДЕЙМАНУ...

*Пешонамга тушдинг сен ажин бўлиб,*
*Ёғдинг сочларимга қордайин оппоқ.*
*Умр ўтар сенсиз аламга тўлиб,*
*О, қанчалар оғир буни ҳис этмоқ.*

*Эсламай дейману, бўйсунмас юрак,*
*Талпинаверади хаёл - асов от.*
*Сен ҳам гоҳи-гоҳи қумсасанг керак,*
*Деган умидлардан излайман нажот.*

*Армонга айланиб улгурган орзум,*
*Ва ҳали номаълум қисматим ила,*
*Сўнгги кунимгача, ишон, онт ичгум,*
*Яшайман севгилим Сенга бахт тилаб.*

* * *

*Эсдан оғдиргучи лаззатли туйғу*
*Сармаст қилди иккимизни ҳам.*
*Йиллар тўфонидан сизиб чиқдиг-у,*
*Соғинч оташига биз бердик барҳам.*

*Бир чашмадан икки томчи мисоли,*
*Ўхшашлигимизга бўлдик кўп амин.*
*Ором ато этди қалблар висоли,*
*Гўё иккимиз-чун яралган замин.*

*Фақат юлдузлару ой бўлди гувоҳ,*
*Эҳтиросларга лиқ, ажиб бир сирга.*
*Умр сўқмоғида тутиндик ҳамроҳ,*
*Тугатолмасак-да бу йўлни бирга...*



*Самода порлар*
*Ажиб бир юлдуз.*
*Хаёлим чорлар,*
*Узолмайман кўз.*
*Нигоҳларингни*
*Ёдга солиб у*
*Инъом этади*
*Лаззатли туйғу.*
*Қолдириб ёлғиз*
*Кетган бўлсанг ҳам,*
*Гўё иккимиз*
*Биргамиз ҳар дам.*
*Шундайин тунлар*
*Ногирон кўнгил*
*Парвоз қилади*
*Эркин ва енгил.*
*Ягона истак*
*У ажиб юлдуз*
*Кетмасин сендек*
*Бенишон, беиз...*

* * *

*Бирор дилнинг бўлсанг мафтуни,*
*Юракдан сев, алдама уни.*
*Туйғуларин айлама паймол,*
*Мени ёдга ол.*

*Икки юрак яшаб бахтиёр*
*Висол чоғин кутар экан зор,*
*Етакласа ширин бир хаёл*
*Мени ёдга ол.*

*Берганида севгисин куйлаб,*
*Босганида лабларингга лаб,*
*О, ўшанда бир дам эҳтимол*
*Мени ёдга ол.*

*Самодаги юлдузлар олис*
*Ўтмишингдан сўзлашса холис,*
*Сенга сира келмасин малол*
*Мени ёдга ол...*

*Узоқ тикиламан тунги фалакка,*
*Милтираб кўринар олис юлдузинг.*
*Тиғдек қадалади армон юракка,*
*Афсус, афсус ёнимда эмассан ўзинг.*

*Сендек сева олмас энди ҳеч бир зот,*
*Ҳеч ким бера олмас кўнглимга таскин.*
*Энтикиб, соғиниб учган хаёл-от,*
*Яна ҳузуримга қайтарар ғамгин.*

*Тонг хабарин бериб юлдузинг маъюс*
*Видолашув вақтин этади аён,*
*"Мен ҳам соғинаман, лекин минг афсус,*
*Сизники бўлмайман бегим ҳеч қачон..."*

*Муҳаммаджон САЛИМОВ*

Қўнғироқларингиз...

# МЕН ИЗЛАГАН "ШОҲ БЕКАТ"



- Сўзининг устидан чиқадиган, мард, ўзига ишонадиган эркакларга ҳурматим баланд. Аммо аёллар панасида юрадиган, улардан фойдаланиб қолишга ҳаракат қиладиган йигитларни кўрсам ўзимни тутиб туролмайман,-дейди таҳририятимизга қўнғироқ қилаётган Шоира исмли аёл.

**-Ёшим 34 да дедингиз. Оилали бўлсангиз керак. Бошқа эркакларни қўйиб турайликда, турмуш ўртоғингизнинг хусусиятлари ҳақида гаплашсак, нима дейсиз?**

-Менинг "собиқ" эримда бир аёлни хор-зор қиладиган, бахтсизлик ботқоғига етаклайдиган барча "яхши" хусусиятлар ортиғи билан. У билан севишиб турмуш қургандик. Танишувимиз аввалида нуфузли ташкилотда ишлайман, деганди. Тўйдан сўнг тунги соат 12 ларда «ишга кетаяпман, тунгги сменада ишлаб пул топиб келаман", деб чиқиб кета бошлади. Эрталаб кийимлари кир-чир, мойга ботган холатда кириб келар, на ота-онасига, на менга бир сўм пул бермасди. Ўзим уддабурон, гапга чечан қиз бўлганим боис Тошкентга қатнаб савдо-сотиқ билан шуғуллана бошладим. Ҳафтада икки марта бозорга тушиб, озиқ-овқат харид қилиб ошхонани тўлдириб қўяман. Бу ишим ҳаммага ёқар, ҳеч ким "Шунча пулни қаердан топаяпсан, қандай иш билан шуғулланаяпсан", демасди. Бир куни хўжайинимнинг сири фош бўлиб қолди. У айтган тунгги сменали иш аслида "ўғрилик" экан. Ўзига ўхшаган икки-учта ўртоқлари билан поезд станциясига бориб юк олиб келаётган поездлардан ўғрилик қиларкан. Унинг сири очилиб қолгач этагимни вақтида ёпиб, ажралишни талаб қилдим. Чунки мен "ўғри" отадан фарзанд кўришни истамагандим. Умримнинг энг чиройли онларини пайхон қилгани етмаганидек, у мендан пул талаб қилди. "Элга тўй қилиб сени анча сарф-ҳаражат билан олганман, кетказган пулларимни тўлайсан",-деди. Мен ҳам бўш келмадим. Ундан қутулиб олгач, нарсаларимни машинага юклаб, Тошкентга қараб йўл олдим. Яхшигина бир заводга ишга жойлашиб, оилавий ётоқхонадан жой олдим. Ўша пайтда менга берилган уйни ҳеч ким олмаган экан. Чунки поллари чириб, деворлари моғорлаб кетганди. Мен уйни таъмирлашга тушдим. Икки хонали уйни уч хонага айлантириб, замонавий мебеллар билан жиҳозлаб олдим.

**-Шундай қилиб бошқа турмуш қурмадингизми?**

-Ахир эркакларнинг ҳаммаси ёлғончи, ландовур бўлса қандай қилиб турмушга чиқаман. Қайси эркак билан танишсам, у ўзимга эмас, уй-жойимга ошиқ бўлади. Бир-иккитаси билан гаплашиб юргандим, кейинроқ билсам оиласи бор экан. Ўзимга ўхшаган бечора бир аёл бахтини ўғирлаб, болаларини етим қилиб нима қиламан. Эр бўлса ўзимники бўлсин. Боламга ҳам ҳақиқий оталик қила олсин. Ўтган ҳафта ёмғир ёққанди эшигимнинг таги йигитларга тўлиб кетди. Ҳаммаси тайёр бошпана, иссиққина овқат излаб келган. Биттасига раҳмим келиб зални бўшатиб бердим. Ўзимдан 2-3 ёш кичик бўлсаям, "Сизга уйланаман" деб юрганди, ёмғир тиниб, қуёш чиқиб, кунлар исиб кетгач қочиб кетди. Қорасини ҳам кўрсатмай қўйди. Нега эркаклар аёллар ҳақида жуда ҳам калта ўйлашади. Ахир эрим, болаларим йўқ бўлса, қалбим, юрагим бор-ку! Нега менинг хис-туйғуларим билан ўйнашишади. Ё улар учун аёл киши қўғирчоқми? Тўғри тан оламан, бир айбим бор. Чиройли, келишган, ўзига оро бериб юрадиган йигитлар билан суҳбатлашишни ёқтираман. Лекин уларнинг ожиз томонини сезиб қолсам қўл силтайман. Ўтган йили 45 ёшлардаги бир эркак "сизга бола, менга хотин керак, турмуш қурайлик",-дея таклиф қилди. Оиласидан ажралган экан. Ота-онангиз билан таништиринг, яшаш шароитингизни бир кўрай дедим. У уйига таклиф қилди. Кекса онаси билан тураркан. Синглиси келиб мен учун дастурхон тузаб, овқат тайёрлаб ўтирган экан. Улар билан суҳбатлашдим. Онаси: "Қизим, сизга тўғрисини айтай, ҳали ёш экансиз. Ўғлимароқхўр, дангаса, биров иш буюрса қилади, аммо ўзича бирор ишга қўл урмайдиган одам. Буни тарбиялаб олгунингизча умрингиз ўтиб кетади",-деди. Онахонга раҳмат айтдим. Ана шу воқеадан сўнг "эркак зоти шундай бўлса, турмуш қурмаганим бўлсин",- деб ўзимга-ўзим сўз бериб қўйгандим. Яна биттаси пайдо бўлиб хаёлимни бузди. Менга бир оғиз ҳам айтмай қўшниларимга «июн ойида Шоира иккимизнинг тўйимиз бўлади",-деган гап тарқатибди. Ўзи чиройлигина йигит, муомаласи ҳам яхшигина, аммо ўз аёлини ўз қўли билан бегона эркакка топшириб қўйди. Хотинига «Россияга ишлагани кетаяпман»,- деб ўзи Тошкентда ишлаб, болаларига пул жўнатиб юраверган. Уч йилдан сўнг хотини билиб қолиб, эрининг дўстига турмушга чиқиб олган. Ноилож қолган "шўртумшуқ" йигит бошпана излаб менинг олдимга келган. Мен ҳам унга шарт қўйдим. "Қачон уй сотиб олсангиз кейин сизга турмушга чиқаман",-дегандим қорасини кўрсатмай юрибди. Энди ўзингиз айтинг битта аёлни бошпана билан таъминлаб, рўзғорини тебрата олмаган эркакка қандай қилиб турмушга чиқаман? Ҳаёт мени шахмат доналарига ўхшатиб у катакдан олиб, бу катакка улоқтираяпти. Билмадим менга аталган бирорта бекат ҳам бормикан?

**- Шоирахон, «Оила ва жамият»га ишониб дил дафтарингизни очганингиз учун ташаккур. Биласизми, инсоннинг бахтиёрлигига ҳам, бахтсизлигига ҳам ўзи сабабчи. Сизнинг ҳаётингизда яхши инсонлар учрамаётган бўлса, бу барча эркаклар ёмон дегани эмас. Орамизда ўз оиласи, қариндош-уруғлари, жамият олдидаги бурчини аъло даражада бажариб яшаётган эркаклар-оталар талайгина. Уларга қараб: «борингизга шукур, эркаклар»,- дегинг келади. Сиз одамларга ишонч билан қаранг. Улардан инсонийлик хислатларини талаб қилиш билан бирга ўзингиз ҳам яхши аёллигингиз билан бошқаларда ишонч ўйғотинг. Тўғри, сиздаги сўзамоллик, уддабуронлик хислатлари баъзи бир эркакларда йўқдир, аммо яхши хислатлар юқумли бўлади. Астойдил оила қуриш ниятида бўлсангиз аввало ўзингиз курашинг.**

**Нигора ЙЎЛДОШЕВА**

Ташрифларингиз...

# РАД ЭТИЛГАН СОВЧИЛАР

Тушдан сўнг келган кекса бир мухлисимизни кузатиб пастга тушгандим. Қайтаётганимда чинорлар остида турган басавлат бир киши мени тўхтатди.

- Синглим, мен "Оила ва жамият" газетаси таҳририятига келгандим. Агар сизга малол келмаса у ердан бирортасини чақириб беринг. Юрагим хасталиги боис уларнинг олдига чиқа олмайман, - деди.

Мен ўзимни таништирганимдан сўнг, у яна:-Бўлмаса, манави скамейкалардан бирига ўтирайлик, айтадиган гапларим кўп-да, - деди.

- Қизим, мен ҳуқуқий идоралардан бирида анча йиллардан буён ишлайман. Ҳозир ҳам катта бир идорани бошқараман. Тўрт нафар фарзандимнинг кенжаси қиз эди. Яширмайман, ота сифатида болаларим учун анчайин қаттиққўлроқ бўлсам -да, уларнинг яхши билим олишлари учун ҳеч нарсани аямадим. Улар ҳам ишончимни оқлашиб, мени хурсанд қилишди. Уч ўғлим билан фахрланаман.

**- Улар ҳам сизнинг изингиздан кетишганми?**

- Йўқ, бошқа соҳаларда ишлашади. Лекин, ҳар бирининг ишхонасидаги раҳбарларидан ҳам, ҳамкасбларидан улар ҳақида яхши гаплар эшитганим учун кўнглим яйрайди. Улардан хотиржамман, уй-жойларини ҳам ўз меҳнатлари билан қуришди. Отам фалон жойда ишлайди, деб менга орқа қилишмади. Ғиштларини ҳам ўзлари қуйиб, сувоқларини ҳам ўзлари қилишди. Сизга бу гапларни айтишдан мақсадим шуки, мен катта лавозимимдан ҳеч қачон ўз манфаатим учун фойдаланмагандим. Бировларга сира ёмонлигим йўқ эди. Шунинг учун одамлардан сира ёмонлик, аниқроғи ёвузлик кутмагандим. Аммо, қизим... У тиббиёт институтида аълочи талаба эди. Жамоат ишларида ҳам фаоллигини билардим. Уйда-ку, онасининг тенгсиз ёрдамчиси эди. Ҳамма бало унга совчилар келганидан сўнг бошланди.

**- Қиз болага совчилар келиши табиий-ку, ёки бўлажак куёвдан кўнглингиз тўлмаганмиди?**

- Совчилар кўп келишарди. Мен эркак кишиман. Қизимнинг кўнглини онаси биларди. Хотинимга йигитлардан бирортаси Юлдузга маъқул бўлса, айтсин дегандим. Лекин, у ўқишини тугатишини айтиб унамади. Қизим бир неча тилларни яхши билгани учун келажакда хорижга бориб ўқишини давом эттиришини истарди. Мен ҳам, онаси ҳам ихтиёрни ўзига ташлаб қўйгандик. Лекин Шайхонтоҳурлик тадбиркорнинг оиласидан келган совчилар бизни сира тинч қўйишмасди. Охири қизим йигит билан учрашгани борди. Улар учрашишгач қизим узил-кесил унга тегмаслигини айтди. Бу эса уларнинг ҳамиятига тегибди. Йигит аламини олмоқчи бўлиб юрган экан.

Бир куни Юлдуз кечроқ институтдан келаётса йигит йўлидан чиқиб хушмуомалалик билан, "Юлдузхон, майли, мен сиздан хафа эмасман. Юринг. Бир пиёла чой ичиб ака-сингилдек гаплашайлик",- дебди. Қизим кўнглида ёмонлиги йўқ, содда бўлгани учун бирга шу атрофдаги кафелардан бирига киришибди. Мақсади, у йигит билан бутунлай орани очиқ қилиш экан. Аммо... Қаттиқ хатога йўл қўйганлигини билмабди.

**- Йигит унга зўравонлик қилибдими?**

- Йўқ... Агар шундай бўлса ҳам чидаш мумкин эди. Лекин у қизимнинг чойига нимадир солибди. Сўнг машинасида бир аёлнинг уйига олиб бориб, қўлига гиёҳванд моддасидан укол қилдирибди. Бироз ўзига келгандан сўнг, секин кўчага ташлаб кетишибди. У уйга қай аҳволда келганлигини мен кўрганим йўқ. Онаси ҳам ишда бўлгани учун билмабди. Эртасига ўқишга бормабди. У бироз тобим йўқ, деганига ишонибмиз-да. Кейин эса ҳалиги йигит яна йўлини пойлабди. Юлдузнинг айтишича бу гал у кўзига жуда яхши инсон бўлиб кўринибди. Яна қизимга катта миқдорда гиёҳванд моддасидан укол қилдирибди. Буни бир неча марта такрорлабди. Бахтимизга акаси тасодифан кўчада Юлдузни машинага суяб ўтказаётган йигитни кўриб қолибди. «Синглимнинг тоби қочган бўлса керак»,- деб ўйлабди. Лекин кўнглида шубҳа пайдо бўлгач, уларнинг орқасидан келаверибди. Қараса... Уйга эмас, бегона бир жойга олиб кетаётганмиш. Охиригача пойлаш, нима гаплигини билиш учун машина тўхтаган жойда тўхтабди. Ичкарига киришдан олдин милиция чақиртирибди. Милиция билан ичкарига кирганда Юлдузнинг иккала билагига укол қилинган ва полда чўзилиб ётганмиш. Хуллас, ўша укол қилган аёл ҳам, йигит ҳам қўлга тушди. Жазоларини ҳам олишди. Лекин қизим... У энди анча даволаниши керак. Муҳими бу ҳақда бутун маҳалламиз, институтдаги курсдошлари ҳам билиб бўлишди.

**- Ахир қизингиз ўз ихтиёри билан бу ишни қилмабди-ку.**

- Тўғри, лекин ҳаммага бирма-бир воқеани тушунтириш қийин-да.

**- Қизингиз ҳозир қаерда?**

- Уни республикамиздаги энг яхши шифохоналардан бирига жойлаштирганмиз. Бугун унинг илтимоси билан сизларнинг олдингизга келгандим. Фарзандларининг орзу-ҳавасини кўриш истагида яшаётган ота-оналар сал хушёр бўлиши керак, дейман. Бу бизнинг удумимиз, чиройли удумимиз эди-ку, ахир. Нега энди рад жавоби олишгандан сўнг қасдлашиб қолишдийкин? дея ўйлайвераман. Мана энди, қизимнинг номига бўлмағур гаплар тарқалди. Албатта, бир куни у ҳам ўзига муносиб йигитга турмушга чиқади. Лекин, бу гап-сўзлар орқали яна юзи қаро бўлмасмикан? Рад этилган совчилар нега бундай ёмонлик қилишди? Лекин истамаган одамига қизларни турмушга бериб бўлмайди-ку! Нега энди шундай бўлди, нега ахир? Боламнинг айби нима эди? Бизнинг айбимиз-чи, бизга ҳам жуда қийин ҳозир. Энди нима қилишимиз керак?

Эркак йўл четида турган машинанинг олдига борди-да, эшикни очиб:

- Бугун Юлдузни бир айлантириб келиш учун рухсат олдим. Мана ўзи деди. Машинанинг орқа ўриндиғида жуда ҳам чиройли, лекин маъюс қиз ўтирарди. Бош ирғаб мен билан сўрашган бўлди. Отаси хайрлашиб машинага ўтирди.

**Кўнглимга бир олам титроқ солиб кетган бу кишига ачиндим. Айбсиз айбдорлар... Азизлар, ахир бўй етган фарзандларимиз бор экан, дилимиздан уларга бахт тилаймиз. Кимнингдир уйига совчиликка борамиз, кимдир бизникига, қизимизни келин қилиш орзусида совчиликка келади. Ўғлимиз ёки қизимизнинг бахтини ўйлаб маъқулини танлаймиз. Сўраб-суриштирамиз. Бунинг нимаси ёмон, бири бўлмаса бирига тақдир битиги ёзилади-да. Совчилар рад этилса бу ҳам тақдир. Ўша йигитнинг пешонасига ҳам ёзилгани бордир. Энди менинг кўнглимда ҳам шубҳа туғилди. Наҳотки, рад этилган совчиларнинг ҳаммаси шундай қабиҳ ишларни қилишса?**

**Сиз нима дейсиз, азиз мухлис?**

**Басира САЙДАЛИЕВА**

# УЛАР СИЗГА БАХТ ТИЛАШАДИ

Акс-садо

Мадинахон! Эс-ҳушингизни йиғиб олинг. Севги бошқа - ҳаёт бошқа. Бу ҳаёт қонуни. У оилада эркатой, ёлғиз фарзанд, - дебсиз. Ишлашни хоҳламаса, ўқишни истамаса келажакда оиласини қандай боқади? Унга ким бир бурда нон беради? Йигитингизни ерга урмоқчи эмасман. Куйиб турган юракни ҳам намакобга ботирмоқчи эмасман. Аммо ширин муҳаббатдан аччиқ ҳақиқат яхши. Ловуллаб ёнган аланга тез ўчади. Ота-онангиз норози бўлса, унга тегаман, - деб оёқ тираманг. Қани айтинг-чи, нима учун авлод-аждодларимиз ўғил уйлантириш, қиз чиқаришда насл-насабни суриштириб келишган? Билиб қўйинг, азалий бу удум оилада тотувлик ва покликни таъминлаш, янги авлод қонининг тозалигини асраб қолиш мақсадидан келиб чиққан. Авлодингнинг қони тоза бўлса, миллатингнинг қони тоза бўлади, тоза қонли миллатнинг эса иймони бутун, шуури баланд, умри боқий кечади. Ҳар ким ўз бошига ёққан қорни ўзи курайди. Сиз ҳам бошингизга ёққан севги қорларини сидириб ташланг. Севги бу-ширин сўзлар, ўйнаб-кулиш, у билан бирга сайр қилиш эмас. Севги бу - севган инсонинг билан то умрингнинг охиригача бирга яшашдир. Оқила қиз ва доно йигитларни вояга етказиш, рўзғорнинг барча икир-чикирларига чидаш, фарзандлар олдида ота-оналик бурчини адо этиш дегани. Севган йигитингиз бунга чидармикан? Чунки, у ўқишни ҳам, ишлашни ҳам бўйнига олишни истамайди-ку. Қачонгача ота-онасига боқиманда бўлиб юради? Ота-она дунёга устун бўлолмайди-ку! Майли, қўйинг, онаси совчиликка келсин! Ҳамма гапдан хабардор бўлсин. Бу севгидан бирон нима чиқишига кўзим етмаяпти. Оллоҳим дилингизни нурафшон айлаб йўлингизни ёруғ айласин. Сизга бахт, бахтдан тахт тилайман. Онангиз сизни бахт остонасида кўришни хоҳлайди. Буни ёдингиздан чиқарманг. Тўғри фарзанд ота-онанинг гуноҳлари учун жавобгар эмас. Балки, мен нотўғри ўйлаётгандирман. Шу ўринда бир воқеани айтиб берай. Холамни бир йигит севиб қолди. Бувам, бувим, оиламиздагиларнинг барчаси норози бўлишди. Холам эса ўз сўзида туриб олди. Тўй ҳам бўлиб ўтди. Лекин, қаршиликлар эвазига қурилган оиладаги рўзғорнинг аравасини холамнинг ўзи тортаяпти. Ўз онаси-янгам ёрдам беради-ю, тезда чарчаб қолади. Ҳар бир ота-она янги оила бахтли бўлсин, куёв-келин қўша қариб,ували-жували бўлишсин, деб орзу қилади. Шундай экан, фарзанд ҳам ўз ўрнида ота-онанинг маслаҳатларига қулоқ солса, уларнинг раъйига қараб иш тутса ёмон бўлмас. Ота-она ҳар ҳолда кўпни кўрган, яхши билан ёмонни, аччиқ билан чучукни ажратавериб суяги қотган одамлар-да ахир. Шунинг учун айтишади-да, "Қари билганни пари билмас" деб. Бу менинг фикрларим эди. Маслаҳат бериш биздан, амал қилиш эса сиздан.

*"Усиз қандай яшайман" 33-сон*

**ЭСЛАТМА: Менинг ҳам қалбимга муҳаббат меҳмон бўлиб келди. Аммо йигит оилада ёлғиз, эркатой, бунинг устига касб-корсиз бўлгани туфайли ота-онам у билан оила қуришимга норози.**

**МАДИНА**

**Нигора ЗАРИПОВА,**
**Бухоро вилояти,**
**Пешку тумани.**

# ҚАРИНДОШЛИК РИШТАЛАРИ БОҒЛАНДИ

*"Фарзанд доғини ҳеч ким кўрмасин" 16-сон*

**ЭСЛАТМА: Учинчи қизимиз дунёга келди-ю, лекин ўша куни кечга бориб, аҳволи оғирлашди. Тушда жони узилибди. Айриliққа чидашим оғир кечаяпти.**

**Нилуфар ОТАБОЕВА**

Бундан 12 йил олдин мен яхши биладиган бир аёл ҳақида турли миш-мишлар тарқалди... У аёл тўнғич фарзандини жарроҳлик йўли билан туғади. Сўнг унга боласи ўлганлигини айтишади. Аёл касалхонадан уйига қайтгач, эри унга ғалати хабарни билдиради:-«Менга хотинингиз ўғил туғди дейишганди, сўнг бола ўлди деб мурдани олиб чиқишди. Уйга келдик. Очиб қарасак киндиги тушган, туғилганига 3-4 кун бўлган қиз боланинг ўлиги. Чақалоқни қабрга қўйганимдан сўнг онам: "Болам, бу бизнинг боламиз эмас, менга набирамни кўрсатишганди, у оппоқ юзли, сочлари қоп-қора чақалоқ эди", дея юрагимга ғулғула солди»,- дейди.

Энди ҳалиги аёл ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг. Тақдир тақозоси билан бошқа фарзанд туға олмаслигини врачлар айтишган, уйга келиб эса бу гапни эшитиб, нима қилишга ҳайрон. Ўша туғруқхонада ишлайдиган аёлга тилла сирға, узукларини берди. Ҳақиқатни айтишини ялиниб-ёлвориб сўрайди. Аммо у рози бўлмайди. Орадан 2 йил ўтади. Х. Эса ўша ўғилчасини тушларида кўриб чиқарди. Яна ўша туғруқхонадаги таниш аёлга учрайди. У катта пул эвазига қўшни туманда яшовчи, бефарзанд аёлнинг манзилини беради. Ўзи эса бу вақтда нафақага чиқиб кетади. Х. кўрсатилган манзил бўйича бориб эшикдан кириб не кўз билан кўрсинки, ҳовлида 2-2,5 ёшлар атрофида қуйиб-қўйгандек эрига ўхшайдиган ўғил бола ўйнаб юрган бўлади... Ҳақ жойида қарор топади. Бу воқеа туман судида ёпиқ суд ҳолида кўриб чиқилди, номи элга таниш журналистлар аралашуви билан бола ўз ота-онаси бағрига қайтарилди. Аммо бола бу ота-онага кўниколмади. Касал бўлиб қолди. Х. эри билан маслаҳатлашиб жигарбандини боқиб тарбиялаган аёлга қайтаришди. Аёлнинг туғишган укаси бу воқеаларнинг шоҳиди эмасми, ҳомиладор аёлига бор гапни тушунтирди. Ука туғруқхонадан чиққан аёли билан бирга ўғилчасини Х.га келтириб беришди. Икки оила ўртасида абадий қариндошлик ришталари боғланди. Ҳеч ким фарзандидан жудо бўлмасин, фарзанд доғида йиғламасин, болам демасин. Юқоридаги каби ҳолатлар эса ҳеч қачон такрорланмасин. Ҳар бир фарзанд ўз уйида, ота-онаси бағрида яйраб, яшнаб вояга етсин.

**Машҳура ИСОҚОВА**

# ҚИЗИМ ОЙДАЙ ТЎЛСИН, ДЕМАСДАН...

*"Ҳам ота, ҳам ... га жазо борми?" 42-сон*

**ЭСЛАТМА: Бир куни бозордан келсам аблаҳ эрим, «ота»лик вазифасини унутган ҳолда қизимнинг номусига тегаётган экан. Ўшандан буён қизим гапирмайди, ногирон бўлиб қолди.**

**СОҲИЛА**

Ўз қизининг бўйи-басти билан севиниш, хулқу одоби билан сурурланиш ўрнига қийноқли изтироб билан ёнаётган Соҳила синглим! Инсонийликдан йироқ, ҳайвонсифат кимсанинг ўз жигаргўшасини гапирмайдиган, ҳатто ногирон этишгача олиб келган муносабати мени бир неча кун карахт қилиб қўйди. Нима дейишимни, менинг тоифамдан бўлган ҳайвоннинг жазоси, сиз айтгандай ўлим эканлиги қайта-қайта хаёлимдан ўтаверди. "Ўзидан кўпайсин" деган холис ниятни бузган, ўз ҳидини танимаган, нақ ўз такрорини кўра олмаган дуо ургур падари-лаънат, чала "ота". Жонидан ясаб, исмини ёзиб қўшган халқасини чил-чил этмоққа ўзини чорлаган, улуғлик йўлида чоҳга йиқилган ориятсиз ноинсоф "ота". Сенга энг қўрқинчли ва зиёнли нафс ити ҳамла қилибди. Шайтоннинг гапи билан нафсга ружу қўйиб, оҳоринг тўкилибди. Ўз қизини ногирон қилган шумқадам сифатида инсоният назаридан қолганингни тушунасанми?

Атрофингни бирданига ёритиб юборган, қадамлаганда бўйини баландлатган, шу бир парча эт билан дунёнг тўлгандику, ўз такроринг бўлган қизалоққа қандай ола қарадинг-а, лаънати "ота".

Ота номига иснод келтирган инсон, ота-онанг ҳам сени деб не куйга тушганини ўз танангга ўйлаб кўришга ҳам арзимадингми? Қалбан ота-онангга таъзим этиб кўрмаганингдан, жон қизингга раво кўрган ваҳшийликдан даҳшатга тушиб, тавқи лаънат оловида тутаб юргин. Ота бўлиб барча гуноҳларига тавба қилмаган, ишида, емиши ва демишида яхшилик, тўғрилик, покликка эришмаган, ўз наслини ўзи бузган, ногирон этган гумроҳ "ота" заволга учрасин-а, ёруғ жаҳонда кўз очиб юришга арзимайди.

Осмонларга боқиб, қизим ойдай тўлсин демадингми-а. Яхшиларни қидириб топиб, шу нораста қизингни улардан намуна олишга рағбатлантирсанг бўлмасмиди?! Атрофингни тузатиб, толу-тераклар экишга ярамадинг. Бешигу, иморатлар ясаб, яхшиланиш, кучланишга арзимадинг.

Ўз қизини авайлашни билмаган харсанг табиат "ота", дўстининг бирон ташвиши, жигарпорасининг муаммоси қизиқтирмаган тўнка, энди сенинг харидоринг ким бўлгай, падари ноқобил, лаънатга дучор безбет.

Шарқнинг эркаклари бир сўзли, оилаварвар, боласи учун жонини берадиган, аёлларига (ўз қизига ҳам) метиндай муҳофаза ўрнида бўлиб келганлар. Ўттиз кунда бир бойийдиган шаклу-шамойилинг билан аёлингни номаҳрамлар ҳузурига юбориб, қизингни номусига тегганингча ўлсанг бўлмасмиди?!!! Ҳе эркак зотига иснод келтирган, номард. Одам қиёфасини ижарага олган махлуқ, сени на у дунёлигинг, на бу дунёлигинг бор!

Ўз қизингни бахтдан маҳрум қилишдек жиноятга қўл урдинг. Ўз қизингни сара чиннидай, оқ қанддай асраб аяш ўрнига ғараз ва мараз ниятингни рўкач қилдинг-а, қалбини яраладинг. Бу ярани вақт ҳам даволашга ожизлигини қандай тушунтирсам сенга. Хаёлот изтироби, ҳаёт изтироби бошига тушган 12 яшар бокира қизгинангга мен тангри таолодан сабр сўраб олиб бермоқчиман. Не сўзлар билан мурожаат қилсам. Қай меҳр билан мурожаат қилсам, туз сепилган жароҳатимга қай хил бердош топай.

Синглим Соҳила, керагидан ортиқ кечиримли, ўрни келганда хафа бўлишни билмаганлигингизни жазосини тортибсиз. Инсон ҳуқуқларини паймол қилиш ҳам, қадрини тиклаш ҳам дастлаб оилада содир бўлади. Шу боис одамгарчиликни дарз кетган оилангизга чидаб, сабр-тоқат қилиб юрганингиз Аллоҳга маъқул бўлган мажозингиз эканлигини ўзингиз ҳам билсангиз керак. Ҳали яхши кунлар олдинда.

**Мерган БЎМАТОВ,**
**Самарқанд шаҳри.**

# МУҲАББАТИНГИЗ УЧУН КУРАШИНГ

*"Усиз яшаш мен учун оғир" 31-сон*

**ЭСЛАТМА: 15 ёшимда талаба бўлиш бахтига муяссар бўлдим. Репетиторга қатнаб юрган пайтимда бир бола билан танишиб, бир-биримизни ёқтириб қолдик. Аммо ота-онам унга беришмади. Мен-ку ҳаётимда кўп нарсаларга эришдим. Аммо у ичкиликка берилиб кетди.**

**ГУЛСАНАМ**

Азизам Гулсанам! Хатингизни ўқиб муҳаббатингиз ростлигига амин бўлдим. Бекорчи ўй-хаёлларга берилманг. Ҳаётни чидаганга чиқарган. Ҳеч нарсага осонлик билан эришиб бўлмайди. Ҳамма сизга ўхшаб ортга чекинаверса дунёда ҳақиқий муҳаббат қоладими? Яқинда зиёли бир инсон билан ҳамсуҳбат бўлдим. Ҳақиқий муҳаббат китобларда бўлади деди у. Негадир жаҳлим чиқди. Ўша китобларни ёзган сизу-биз эмасми? Кўрган, билган ва гувоҳи бўлган муҳаббатга йўғрилган ҳодисаларни ёзади ёзувчи. Азизим! Ор-номусни дилга жо этган ҳолда муҳаббатингиз учун курашинг. Зеро, муҳаббат армони кетмас доғ бўлиб юрагингизда қолади.

**Моҳира БЎРИЕВА,**
**Термиз шаҳри.**

Қадрли Гулсанам! Ҳаёт гўзал, ҳаёт бешафқат. Афсуски гўзал ҳаётни булғайдиган ҳам, бешафқат ҳаётни шафқатга ўргатадиган ҳам ўзимиз. Инсон тақдирини ўз қўллари билан яратар эмиш. Лекин ўрни келганда айтиш жоиз. Ўзбекчилик, ҳаё, андиша ниқобига ўралган бизнинг журъатсизлигимиз, ожизлигимиз бор. Ана шу "ўзбекчилигимиз", "андишалилигимиз" бизга кўпинча бахт эшигини очилмайдиган қилиб ёпиб қўяди. Нима демоқчилигимизни тушунгандирсиз. Сизнинг ота-онангиз тушунишни истамаса юрагингизга яқин амма-холангиз, опа-синглингиз, акангиз бордир. Яхшиликча тушунтириб ўшалар орқали ота-онангизга етказинг. Бироқ шунда ҳам тушунишни исташмаса имконингиз йўқ, чунки иффат пардасини кўтариб, бахтли ҳаёт кечиришингиз амри маҳол. Шунинг учун етти ўлчаб бир кесинг. Ҳамма ўз дунёқарашидан келиб чиқиб сизга маслаҳат беради, бироқ таъкидлаганимдек ҳаммаси ўзингизга боғлиқ.

Халқимизнинг "Ота қарғиши йўқ", мақолини эсингиздан чиқарманг.

**Ойсоат АВАЗОВА**
**Термиз шаҳри**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ



**Муҳтарама Умида ОҚИЛЖОНОВНА!**

Сизни таваллуд айёмингиз билан табриклаймиз. Фарзандларингизнинг бахти, хонадонингизнинг файзи бўлиб, узоқ умр кўриб юринг. Оилангизда бахт, танлаган соҳангизда эса ютуқлар ёр бўлсин.

3-туғруқхона жамоаси номидан Жамила Қосимова



**Азиз фарзандимиз Зилола АҲМАДБЕК қизи!**

Сени таваллуд айёминг билан табриклаймиз. Ҳаётинг бахт ва шодликка тўлсин. Мунаввар орзуларинг рўёбга чиқиб, бахтинг гулдек очилсин.

Аяжонинг, Ойижонинг, буважонинг, холаларинг, уканг Азизбек.



**Ҳурматли Махмуджон ГАЛАЕВ!**

Сизни 29 октябр, табаррук 60 ёшга тўлишингиз билан қутлаймиз.Ҳаётингиз ҳамиша нурли,мазмунли бўлиб яқинларингиз даврасида кечсин!

Ўғлингиз Жаҳонгир, Санжар, Бобур, қизингиз Нилуфар ва рафиқангиз Хосият.



**Мунис онажонимиз!**

Таваллуд айёмингиз қутлуғ бўлсин! Сиз борки кўнглимиз тинч, хонадонимиз ободдир. Илоё ҳар доим соғ, шодон ва ҳамиша эъзозимизда бўлиб юринг.

Умрингиз узоқ бўлсин.

Умр йўлдошингиз ва фарзандларингиз.

**Укажоним Амирбек МУРОДОВ!**

Туғилган кунинг муборак бўлсин! Ўқишларингга омад ва ўзингга соғлиқ тилайман.

Опанг Амира, Бухоро шаҳри.

## БЕЗОВТА РУҲ ИНЪОМИ

*Ажойиб-ғаройиб*

Онам операциядан қайтганларидан сўнг қуйидаги воқеани ҳикоя қилиб берди.

- Операция столида эканлигимни эслайман. Бир пайт ҳушимни йўқотдим чоғи, оғриқдан батамом халос бўлдим. Манзара ҳам бутунлай бошқача, аллақандай, ғайритабиий манзилда эдим. Бир оздан сўнг ён-атроф тиниқлашиб, ўзимни кишилар билан гавжум чоғроққина хонада ўтирганлигимни англадим. Одамлар кўп, ёшу қари биргаликда ўтиришибди. Ҳамма нарса ғайритабиий, нотаниш чеҳралар... Ниманидир завқ билан суҳбатлашаётирлар. Таажжуб билан ёнимдаги кишини гапга тутмоқчи бўлаётгандим, кимдир кириб келди. Соқоллари кўксига тушган эди. Ҳайратим ошди. Ахир отам раҳматлик ҳам ёғоч оёқда юрардилар. Ҳа, отам раҳматликка ўхшайди... Кўзимни узолмасдан бир қанча муддат унга термулганимча қолдим. Отам ҳам мен томонга ўгирилди. Нигоҳлари ҳавода муаллақ қотди. Сўнгра отамнинг кўзларида ғазаб нишоналари пайдо бўлиб, афтангори ўзгара бошлади. У қўлларини силкитар, чиқиб кетишга ишора қиларди. Менда ўзгариш сезилмагач: "Кет! Кет! Нега келдинг? Ахир, ҳали калимани ёдламагансан-ку! Фарзандларингни, набираларимни кимга ташлаб келдинг?", - дея овозини чиқариб койий бошлади. Умримда бирон бора юзига тик қарай олмаган отамнинг сўзлари қаттиқ таъсир қилиб, ўрнимдан турдим. Сўнгра ўзимни қўлга олиб, ташқарига чиқишга уриндим. Остонадан ташқарига қадам ташлашим билан чексиз бўшлиққа синга бошладим...

Қўрқувдан юмилган кўзларимни очганимда эса операция столида эканман... Тепамда даданг турарди. Ўшанда отам руҳининг ҳозирлиги туфайли ҳаётга қайтганман.

**Азиз НОРҚУЛОВ,**
**ЎзМУ III-курс талабаси.**

## БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Япониялик врачлар беморларга оғриқсизлантириш учун классик мусиқаларни эшитишни, лавандани (яшил ҳамиша хушбўй ўсимлик) ҳидлаб туришни тавсия этадилар. Уларнинг фикрича, мусиқа ва лаванда мияга қон оқиб келишини 5%га камайтиради. Бу эса оғриқнинг камайишига олиб келади.

* * *

Атеросклероз ва юрак томири касалликларига қарши курашишда хурмо олмадан афзал, деб таъкидлашади исроиллик тадқиқотчилар. Чунки хурмода натрий, калий, магний, кальций, темир кўп бўлар экан.

Олимларнинг таъкидлашларига кўра, мобил телефонларидан фойдаланадиган болаларда хотира ва уйқу бузилиши хавфи юзага келади. Бунга кичик интенсивликдаги электрон магнит нурланиш сабаб бўлади. У боланинг унча катта бўлмаган юпқа калла суягига кириш қобилиятига эга.

* * *

Япониялик тадқиқотчилар қуёш нури етишмаслиги кекса одамларда уйқусизликка сабаб бўлишини аниқладилар.

* * *

Канадалик олимлар одам тўйиб ухламаса унинг интелекти ҳар соатда 1%га камайишини аниқладилар. Ҳар куни 3 соат ухламайдиган одамларда интеллектуал қобилият бир ҳафта ичида 15%га камайган.


# ЭЪЛОНЛАР!

**Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар "Оила зийнати" Маркази қизларни ва келинчакларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида қуйидаги касблар бўйича ўқув курсларини ташкил этди. Марказда кам таъминланган оила фарзандлари бепул ўқитилади.**



**Ўқув муддати 2 ойлик курслар**

• Бичиш-тикиш • "Элита" усулида пардалар, чойшаблар ҳам тикиш • Бисерлардан фойдаланиб тикиш • Бошланғич компьютер билимлари (Windows 2000) • Олий даражада торт ва салатлар тайёрлаш • Сартарошлик • Косметология • Маникюр•Бухгалтерия-касса аппарати назоратчиси•Қандолатчилик-олий курс.

**Ўқув муддати 3 ойлик курслар**

• Миллий кўрпа-кўрпачалар тикиш • Юмшоқ ўйинчоқлар, бешик кўрпачалари ва ёстиқчаларини тикиш.

**Ўқув муддати 4 ойлик курслар**

- Массаж ва уй ҳамширалиги • Бичиш-тикиш (бошловчилар учун) • Машинада гул тикиш (вишивка).

**Курсларни битирган ўқувчиларга махсус сертификат берилади.**
**Манзил: "Халқлар дўстлиги" метроси. Фуркат кўчаси, 1 уй. Мўлжал: Республика спорт қўмитаси. Тадбиркорлар палатаси, 2 қават, 202 хона, 413 хона.**
**Телефон: 45-18-42, 29-28-58.**

## УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕТОВ МЭЛС ҒОЗИЕВИЧ

**ЭНУРЕЗ ХАСТАЛИГИ БИЛАН ОҒРИГАН қовуғи бўш ЎҒИЛ ва ҚИЗ болаларни БАТАМОМ ДАВОЛАЙДИ.**

**Буйрак, қовуқ, простата безы** касалликларини ДАВОЛАЙДИ.
**Манзил: Марказ-15, 12-уй (Жангтоҳ маҳалла)**
**Мўлжал: Метронинг Ғ. Ғулом бекати. Тел: 144-46-87 9:00-17:00гача**
**Чорсудан 123, 100 автобус. Марш. такси. 2, 4, 7, 77, 91. Себзор бекати.**



Профессор Эргаш САЛИМОВ клиникаси барча турдаги аллергик, бўғин, ошқозон-ичак хасталикларини, касалманд, нимжон болаларни махсус усулларда даволайди. Бронхиал астма хасталигида гормонал дорилар қўлланмайди. Аллергик касалликларни аниқлаб, даволашда турли аллергенларни қўйиб синалади. Иш вақти соат 8 дан 17 гача.

**МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, Уйғур Хўжаев кўчаси, 4-уй, 10-хона. Автобуслар — 27, 35, 46, 53, 91. Трамвай — 8. 1-шаҳар клиникаси бекати. Тел: 49-43-33, 144-64-30.**

## "Дилбарим - сервис" ўқув маркази сизларни ўқишга таклиф этади:

**2-ойлик** 1. Сартарошлик. 2. Косметалогия. 3. Биссер тикиш. **3-ойлик** 1. Массаж (амалиёти билан). 2. Уй хамшираси(амалиёти билан). 3. Парда ва чойшаблар тикиш(турк андозаси асосида). 4. Торт, салат ва пишириқлар. **4-ойлик** Тикиш, бичиш, моделлаштириш.

Ўқишни тамомлаганларга диплом берилади.

**Телефонлар:49-18-71 57-20-93**
**Манзил: Сергели-3 Массон кўчаси 3 уй УПК биносининг 3 қавати. Мўлжал: Сирдарё кафеси ёнида.**

## Х.К "Намуна Зиё"

**Сизларни энг замонавий ўқув курсларига таклиф қилади.**

**1.** Қандолатчилик-**2 ой. 2.** Уй хамшираси-**2 ой. 3.** Умумий массаж.
**4.** Бичиш-тикиш-**3 ой. 5.** Сартарошлик-**2 ой. 6.** Элита усулида парда ва чойшаблар тикиш-**2 ой. 7.** Биссер тикиш-**2 ой.** 8. Қўлда тўқиш-**2 ой.**

*Курсларни малакали мутахасислар олиб борадилар. Ўқишни битирганларга диплом берилади. Вилоятдан келганларга ётоқхона берилади.*

**Телефонлар: 78-74-90; 78-60-15; 46-69-18.**
**Манзил: Чилонзор тумани, Оқ-тепа майдони, Лутфий 1-тор кўчаси 1-уй Лутфий махалла фукаролар йиғини идорасида жойлашган. (Оқтепа майдонидан Чўпон ота йўналишига қараб 1-бекат юрилади). Автобуслар:13, 77, 34, ота йўл 54, 22, раф: 22, 134. трамвай 9.**




Хусусий тадбиркор **Кушанбоев Хасан Тўлқинович**га хусусий тадбиркорлик қилиш учун берилган **1016782** рақамли патент йўқолганлиги сабабли **БЕКОР** қилинади.


## «ХУЛҚИ ХУШ ЯХШИ ЭРУР» «Оила ва жамият» ўгитномаси

***Бир донишманддан: "Қайси одам, қайси миллат афзал?" - деб сўрадилар. У донишманд икки қўлига ердан тупроқ олиб: "Мана шу икки қўлимдаги тупроқнинг қайси бири афзал?" - деди. Кейин икки қўлидаги тупроқни бир-бирига қўшиб айтди: "Икки қўлимдаги тупроқнинг бир-биридан фарқи бўлмагани каби, ҳамма халқ, ҳамма миллат бир-бирига биродардирлар".***

• • •

***Ўзидан катта, тажрибали, билимдон кишилар билан маслаҳат қилмай иш бошлаган одам, у ишдан манфаат кўрмайди.***

*Қилма ҳаргиз ўз муродинг билан иш,*
*Ул муродинг-ла пушаймон бор эмиш.*

**Тўпловчи: Мамадали БЕРКИНОВ, Андижон вилояти, Шахрихон тумани.**

Об-ҳаво маълумоти

Об-ҳавони кузатиш марказининг маълумотига қараганда республикамизда ҳаво ўзгариб туради. Айрим жойларда ёмғир ёғиши мумкин. Баъзи жойларда туман тушади. Шамолнинг тезлиги кучаяди. Ҳарорат кечаси **0-5°**, кундузи **16-21°** илиқ бўлади. Республикамизнинг шимолида эса кечаси **2°** совуқ, кундузи **13-18°** илиқ бўлиши кутилмоқда.

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).**- Қайси соҳага қўл урманг омадингиз келади. Ҳафтанинг охирида анча маблағга эга бўласиз.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Соғлиғингиз ҳақида ўйлашингиз керак. Акс ҳолда жиддий муаммолар сизни қийнаб қўйиши мумкин.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Яқинларингиз билан бироз кўнгилсиз воқеалар юз берса-да, ҳаммаси яхши бўлади. Жума сиз учун омадли кун.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Янги уй сотиб олишингиз учун имкон туғилади. Лекин катталар билан маслаҳатлашиб иш тутганингиз маъқул.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).**- Сешанба куни молиявий ишларингизни ҳал қилиб олинг. Бунинг учун чоршанба куни қулайдир.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Ҳамкасбларингиз билан самимий муомалада бўлишга ҳаракат қилинг, янада эътиборлироқ бўласиз.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Сешанба куни қимматбаҳо қоғозлар билан боғлиқ ишларингизни охиригача етказинг.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).**- Ҳафта унчалик даромад келтирмаса-да, ишларингиз юришиб, лавозимингиз ошиши кутилмоқда.

**ЎҚОТАР (23.11 — 21.12.).** - Турли майда-чуйда гапларга эътибор берманг. Хотиржам бўлиб, ишларингизни ниҳоясига етказинг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01).** - Қалтис ҳазил туфайли дўстларингиз билан хафалашиб қолишингиз эҳтимоли бор. Дўстлар даврасида ўйлаб гапиринг.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).**-Лоқайд кайфиятда бўласиз. Аммо, ҳафтанинг охирида ғайрат билан ишга киришасиз.

**БАЛИҚ (19.02 — 20.03).** -Сизни оила аъзоларингиз ранжитишса хафа бўлманг. Улар сизга барибир яхшилик исташади.

# МЕҲРИ ДАРЁ АЁЛ ЭДИ...



Волидаи муҳтарамамиз Ҳокима Бозорова ҳаёт бўлганида ҳозир 88 ёшга кирарди. Шафқатсиз ўлим у кишини бундан 27 йил муқаддам бағримиздан олиб кетди.

Оиламизда қиз бўлмаса ҳам, онам бундан ўкинмас, бизни уй-рўзғор ишларига ёрдамлашишга ўргатарди. Укам билан бемалол рўзғорнинг ҳамма ишини қила олардик. Овқат қилиш, кир ювиш, уй, ҳовли супуриш... Биз онамнинг "Балли, болам!" дейишлари учун ишлаб чарчамасдик.

Онажоним мактабда қизлар жамоаси ишига раҳбарлик қилар, шўх-шодон, камтарин, ҳам қатъиятли, меҳри дарё аёл эди. Меҳрибоним ҳақида у киши билан бирга ишлаганлардан ҳар гал яхши гаплар эшитганимда чексиз фахрланиб кетаман.

Ота-оналар, айниқса, оналар у кишидан доим маслаҳат олганларини ҳали-ҳали меҳр билан эслашади.

Ҳозир бир этак бола-чақамиз, невараларимиз бор. Уларнинг камолини кўрган сари онамни эслайвераман. Бизга ҳаётда тўғри йўлни кўрсатган, оқ-қорани илк бор ўргатган, ўқитиб, уйли-жойли қилган ана шу мунис ва меҳрибон онажоним эди-да.

Меҳр-мурувват йилида мен бир хайрли ишга қўл урдим. Ўзим 3-4 синфларда ўқиган ва онам ишлаган 33-мактабда онамнинг номига битта бошланғич синф хонасини таъмирлаб, жиҳозлаб, онажонимнинг шогирдларига топширдим. Шунингдек, онажоним номига бошланғич синф ўқувчилари учун икки минг сўм миқдоридаги стипендияни жорий қилдим. Бу стипендиялар ҳар чорак охирида аълочи ва ташкилотчи ўқувчиларга топширилади. Уйимизда номи эшитилиб туриши учун кичик набирамни "Ҳокимахон", дея атадик.

*Нақадар улуғдир она деган зот,*
*Унутмаймиз сизни токи биз ҳаёт.*
*Сиз берган тарбия бизга бўлур бош,*
*Насиҳатларингиз ҳамиша йўлдош.*

Онажонимизнинг қабр тошига битилган ушбу сўзлар дилимизга жо бўлиб, ҳамиша волидамизни эслатиб туради. Ушбу хайрли ишларимиз волидаи муҳтарамамиз руҳларини шояд шод этса? Оллоҳ, у кишининг охиратларини обод қилиб, жойларини жаннатда қилсин.

**Марат АҲМЕДОВ,**
**Бухоро вилояти,**
**Ғиждувон тумани.**

# ДИЛ МАРСИЯСИ

**(фарзандларимни эслаб)**

*Юрагимни қийнар алам-дард, фироқ,*
*Ҳажрингизда ёниб ўтгайман ҳар чоқ.*
*Орамизчи энди умрбод узоқ,*
*Зарнигор, Ўлмасжон, Ортиқжонларим.*
*Юрмадингиз бирга ёнимда кулиб,*
*Равшан қилиб уйим, қуёш, ой бўлиб.*
*Бевақт ажал олди бағримдан юлиб,*
*Қон йиғлатиб кетган қаро кўзларим.*
*Уйимда кезарди ёшлик баҳори,*
*Қизир эди болаликнинг бозори.*
*Тарқаларди кўриб дилим ғубори,*
*Қушдек учиб кетган асал, қандларим.*
*Фахр билан боқар эдим доимо,*
*Сиз эрдингиз бахтим, суянчиқларим.*
*Сизсиз орзулардан бўлдимку жудо,*
*Бевақт ташлаб кетган жигарбандларим.*
*Ортингизда қолдим бўтадек бўзлаб,*
*Адо бўлмас қайғум кеча, кундузлаб.*
*Тополмайман сизни минг карра излаб,*
*Зарнигор, Ўлмасжон, Ортиқжонларим.*

**Қўчқор ЭЛМУРОД,**
**Қашқадарё вилояти,**
**Чироқчи тумани,**
**Галабек қишлоғи.**

ХОТИРА МУҚАДДАС

# ОТАСИЗ ЎСГАНДИК, ОТАМИЗ ЭДИНГ!

Кекса бир яқинингиз оламдан ўтса, куюниб йиғлаб, оҳ урarkансиз опа-укаларингизга суяниб, фарзандларингизнинг шукронасини қилиб, айриликқа кўникиб яшайверасиз. Аммо, жигарбандларингизнинг бироргасидан жудо бўлсангиз-чи? Жигардан айрилиш жуда оғир экан, азизлар, жуда оғир бўларкан. Опа-ука, ака-сингилни бекорга жигар дейишмас экан. Агар у сиздан ёш бўлса, дунёдан бевақт ўтиб кетса... Кўнглингизда айрилиқдан қонли доғ пайдо бўлиб у юрагингизга томчилаб, сим-сим оғриқ бериб тураверар экан.Бу оғриқ эса ҳар куни кўзларингиздан аччиқ-аччиқ ёш бўлиб қуюлаверади. Бевақт оламдан ўтган укагинам Ҳамзахоннинг фироғида ана шундай ўртанавераман.

Ҳа, Ҳамзахон! Жигарим, бугун қанча йиғламай, бўзламай сени излаб топа олмайман. Ҳаёт бўлганингда бугун ҳам ҳаммамиз хонадонингни тўлдириб, хурсандчилик билан туғилган кунингни нишонлардик. Афсуски, сен жуда ёш, ҳатто 40 ёшида бевақт кетган отамнинг ёшига ҳам етмай кетдинг.Отам оламдан ўтганида сен ҳали тили чиқмаган гўдак эдинг.

Сен 5-6 ёш пайтингда тоғамникига меҳмонга боргандик. Дастурхон атрофида ўтирганимизда тоғамнинг сен тенги боласи "Дада!" - дея отасининг тиззасига ўтириб олди. Сен ҳайрон бўлиб турдинг-да, "Ана, энди билдим, кимни дада дейиш керак экан! Сиз дада экансиз-да, мен билмай юрган эканман. Сизни дада десам майлими?" - деб сўрадинг. Тоғам ҳам жавдираб: "Майли, болам. майли. Сен хурсанд бўлсанг бўлди",- дея четга қараб кўзидаги ёшларини артди. Иккимиз ҳам ёш бўлганимиз учун онам билан тоғамнинг нега йиғлаганини тушунмагандик.Энди сен ҳам болаларингни худди ўзингдек етим қилиб, ташлаб кетдинг. Қариндошларимиз кўп йиғлаб бўлмайди, тақдир битиги шундай экан, жудоликка кўнинглар энди, дейишади. Лекин қандай қилиб? Сени бу дунёда қайтиб кўрмаслигимизга, дийдор қиёматга қолганига биз кўнсак-да, кўнглимиз кўнмаса қандоқ қилайлик? Шоиримиз Рамз Бобожон айтганидек:

*Эй, ўлим! Яхшиларни қўй,*
*Ёмонларга бор, адашма зинҳор!* - дегим келаверади. Ҳамзахон, укажон! Исми ўзидан ҳам чиройлик жигарим! Жойинг жаннатда бўлсин, охиратинг обод, ётган жойинг гулу-гулзор бўлсин! Юрагимдан чиққан ушбу сўзларни ҳар куни айтгим келаверади.

*Ҳамзахон, укажон! Бағримиз куйди,*
*Отасиз ўсгандик, отамиз эдинг!*
*Акамиз йўқ эди, акамиз эдинг.*
*Ҳар ишда отадек маслакдош эдинг,*
*Ҳаммага меҳрибон, беминнат эдинг!*

**Дилпора,**
**Пскент шаҳри.**

# УСТОЗНИ ЭСЛАБ

Муаллима Муқаддам опа Эргашевани бугунги саодатли кунларда эслаш, унинг руҳини шод этиш савобли иш эканлиги у ҳақда ёзишга ундади...



Муқаддам опа асли Пастдарғом туманидан. 1936 йили ишчи оилада дунёга келган қизалоққа ота-оналари Муқаддам деб исм қўйишди. Йиллар ўтди. Исми жисмига монанд қиз Муқаддам ўрта мактабни тугатди. Самарқанд давлат университетига ўқишга кирди. Талабаликнинг 3 босқичида хатирчилик Муҳсинжон билан турмуш риштаsini боғлади. Оила, рўзғор ташвишлари туфайли ўқишни сиртқига кўчирди. Бу орада бирин-кетин ўғил-қизлари дунёга келди. Лекин Муқаддам рўзғор юмушлари-ю, қайнона-қайнота хизматларидан асло чарчамади, ҳаётидан ўкинмади. Аксинча ўқишни ҳам, ишни ҳам баробар олиб борди.

У Хатирчи туманидаги 20-мактабида бошланғич синфларда дарс бера бошлади. Жонкуяр ва фидойи ўқитувчи М.Эргашева "Халқ таълими аълочиси" деган фахрли ном соҳиби бўлди.

... Муқаддам опанинг нафақага чиқиши тўнғич ўғли Неъматиллонинг никоҳ тўйи билан нишонланди. Набиралари Гулрух ва Сабиналар дунёга келганда Муқаддам опа ва Муҳсин акаларнинг севинчи бир олам эди. Ўғиллари Неъматилла ҳам туман прокуратурасида фаолият кўрсата бошлади.

1988 йилда Неъматилла тўсатдан автофалокатдан вафот этди. Муқаддам опанинг фарёди еру кўкка сиғмади. Фарзанд доғи онанинг қаддини букди, келини бева, набиралари отасиз қолди. Ҳеч бир нарса ўғли ўрнини боса олмади...

Бешафқат ўлим фидойи инсон, меҳрибон она, таълим-тарбия жонкуяри Муқаддам Эргашевани 60 ёшида орамиздан олиб кетди. Бугунги кунда устоз ўқитувчининг ишларини севимли фарзандлари, набиралари, шогирдлари давом эттиришмоқда.

**Матлуба САИДАҲМЕДОВА,**
**Каттақўрғон шаҳри.**



# БИЗ БИЛАН ЯШАЙСИЗ...

Маҳалламизнинг оқсоқоли, уруш қатнашчиси кекса муаллим, Алим ота Ҳотамовнинг ўзига хос файзи бор эди. У ҳамқишлоқларини жуда қадрлар, катта-ю, кичикдан ўзининг ёрдамини, мурувватини аямасди. Уйи ўзи 50-йил географиядан ўқитувчилик қилган мактабнинг ёнгинасида бўлиб, ҳаётининг ҳар бир лаҳзаси ушбу даргоҳ билан боғлиқ эди. Рафиқаси, ўзидек фидойи муаллима Жавоҳир опа Абдураҳмонова билан ярим асрдан кўпроқ аҳил, ҳамма ҳавас қилгудек яшашди.Раимжон, Раҳмонжон, Азизбек ва Замира исмли қизларини вояга етказиб, уларнинг бахтидан қувонишди, ютуқларидан фахрланишди. Невара-чевараларини эркалашиб диллари бир олам шодликка тўлди.

Алим отанинг ёши 80 дан ошган бўлса ҳам у газеталарни кўзойнаксиз ўқирди. Айниқса, "Оила ва жамият" газетасининг ҳар бир сонини қолдирмасдан ўқир, ўқилган сонларини эса ипак иплар билан битталаб авайлаб, тахламларга тикиб қўярди. Мактабда ўтказиладиган ҳар бир тадбирга бош-қош бўларди. Муаллимлар ва ўқувчиларга у киши ўзининг ўгитлари, ҳаётий тажрибаларидан сўзлар, зарур бўлганда маслаҳатлар берарди.

Афсуски, шу йилнинг май ойида Алим отадан айрилиб қолдик. Отанинг дафн маросимига барча қишлоқ аҳли йиғилиб, сўнгги манзилга кузатишди. Ўзи ишлаган мактабдаги ҳамкасблари, ўқувчилари отанинг фарзандлари қаторида туриб кўз ёши тўкишди. Бир сўз билан айтганда мактаб ҳар доим файз бағишлаб турадиган фариштасидан айрилди.

Биз у кишининг доимо ёнимизда бўлишига ўрганиб қолган эканмиз. Ҳаммамизга Алим отанинг ўрни жуда-жуда билинаяпти. Дийдор ҳам ғанимат экан. Илоё, жойлари жаннат бўлсин!

*Биз билан яшайсиз ҳамдам, ҳамқадам*
*Бизлар бор эканмиз, демак сиз ҳам бор.*
*Бизнинг ҳар кунимиз у онимизда*
*Сизнинг қуёшдайин пок руҳингиз ёр...*

**Юлдуз ҲАМРОЕВА,**
**Халқ таълими аълочиси,**
**Каттақўрғон туманидаги**
**17- мактаб директори.**

Кўрган-кечирганларим

# "ОДАМ БОРКИ, ОДАМЛАРНИНГ НАҚШИДИР"...

Инсоннинг ёши улғайиб борган сари ўтмиши ҳақида, босиб ўтган ҳаёт йўли, ютуғи-ю, йўл қўйган хатолиresponse ҳақида хаёл суравераr экан. Баъзан мен ҳам ўз кўзим билан кўрганларимни, кечирганларимни, ўтган ҳаётим лавҳаларидан эсимда қолганларини қаламга олгим келиб қолади-ю, бир савол қийнаб қўлимдан қалам тушиб кетади. Сенинг ўтмишингни кимга қизиғи бор? Ахир ҳар бир шахснинг индивид сифатида ўз ҳаёт йўли, тақдири бор. Улар бир-бирига ўхшамайди. Ундан кейин ўтмишингни достон қилишингдан кимга фойда?

Шундай ўй билан юрганимда севимли газетамиз "Оила ва жамият" да самарқандлик Баҳром Истамқуловнинг "Бегона вафо қилса-қариндошдир" номли ҳаётий лавҳасига кўзим тушиб қолди. Ўқиб чиқиб Баҳромжон билан шахсан таниш бўлмасакда, тақдиримизда баъзи ўхшаш томонлари бор экан, деган фикрга келиб, калаванинг учини топгандай бўлдим. У кишини ҳам, мени ҳам оёққа турив, жамиятда ўз ўрнимизни топишимизга баъзан ўзлари ҳам билмаган ва сезмаган холда сабабчи бўлган мурувватли инсонлар ҳақида ёзмоқчи бўлдим.

Яна бир гап. Президентимиз томонидан "Меҳр мурувват йили" деб эълон қилинган 2004 йилда имонли, эътиқодли, яхши инсонларни эсга олиш, уларни улуғлаш, номларини зикр этиш савобли иш. Ўтиб кетган бўлсалар-жойлари жаннатдан бўлсин. Ҳаёт бўлсалар умрлари узоқ бўлсин. Мен бугун халқимиз учун энг оғир бўлган-уруш йилларида мен билган, кўрган мурувватли инсонлар ҳақида сўзламоқчиман.

Отам 1941 йилда урушга кетиб қайтиб келмади. Онам 1 қиз, 1 ўғил ва қорнидаги хомиласи билан 28 ёшида бева қолдилар. Очдан ўлмаслигимиз учун онам шундай ҳам ночор бўлган рўзғордаги нарсаларни олиб чиқиб сота бошлади. Уйдаги патефонимизни сотиб иккита нон кўтариб келганлари кечагидек эсимда қолган. Кейин отам томонидан иморат учун келтирилган ёғочларни арралаб, ёриб ўтин қилиб сотдилар. Кейинчалик, фронтовик оиласи сифатида 1 кг 200 грамм нонга заборний карточкаси ва отам урушгача ишлаган "Водоканал" ташкилоти томонидан берилган ойига 150 сўм нафақа пули ( 1947 йилдан олдинги курсда, уруш йиллари 1 буханка нон бозорда 300сўм турарди) коримизга яради. Лекин қозонимиз 10 кунда ҳам қайнамас эди. Қийинчиликдан безор бўлди шекилли, урушнинг 3 чи йили онам Бешариқда яшайдиган отамнинг акаси-амакимни хат орқали чақириб мени-5яшар гўдакни бериб юборди. Бу-1943 йилнинг қиши бўлса керак. Нега деганда, онам мени кузатаётиб бошимга қалпоқ, эгнимга бекасамдан тикилган тўн, оёғимга ялтироқ-америкон этик кийдириб юборгани, амаким мени опичиб олиб тиқилинч вагон зинасига чиқаётганида бир пой этигим тушиб қолиб одамлар топиб берганлиги эсимда қолган.

Станциядан Деҳқонтўда қишлоғига 8 км йўлни босиб, у пайтлар йўллар асфалтланмаган, тизза бўйи тупроқ кечиб ярим кечада уйга кириб бордик. Ўша кечасиёқ амакимнинг хотини (мен у аёлни "момо" деб чақирардим) кеннойим эгнимдаги барча кийимларимни ечиб олиб, пахтаси чиқиб ётган, кир, минг ямоқ чопонни кийдириб қўйди. Чопон менга кенг ва узун бўлиб, этаги тўпиғимгача етарди. Оёғим ва бошим учун ҳеч нарса лозим кўрилмади.

Амакимнинг уйи қишда ғўзапоя билан иситиладиган, тахта полсиз мўрили бир уй, олди очиқ бир айвон ҳамда молхонадан иборат экан. Борган куним эшик тагида ухладим, эртасига эса айвонга чиқариб юборишди. Мен қиш бўлишига қарамасдан, қоқ ерда, очиқ айвоннинг деворга яқин жойида, бошимга гувала қўйиб тўнимга ўралиб ухлардим. Амакимнинг 2 қизи 2 ўғли бўлиб каттаси Мукаррам опам ўша пайтлар 15-16 ёшларда бўлиб, отаси билан колхоз даласида ишларди. Кеннойимнинг уйда қолган болалари қуёш қизигунча ухлашарди. Мени эса эрталабки осат 4-5 ларда дуч келган жойимга бир тепиб ўйғотарянтоқ ўриб келиш, кетмон чопиш, мол боқиш каби ишларни буюрарди...




Бир куни маккаси ўриб олинган ерда ўтлаётган бузоғим қўлимдан чиқиб қочди. Тушгача яланг оёқ макка даласида қувлаб юриб оёқларим қоп-қора қонга беланди. Одамларнинг ёрдами билан қочқоқ бузоқни аранг ушлаб ховлига олиб келдим. Даладаги ҳангомани уйида ўтириб эшитган кеннойим "бузоқни очдан қўйибсан-у, етимча" деб бошимга қўлидаги капгири билан чунонам урдики, унинг ўрни ҳозиргача билиниб туради. Кеннойим жисман азоб берибгина қолмай мени овқатдан ҳам қиса бошлади. Ўша маъшум уруш йилларида тушки ва кечки овқат ўрнида тошкентликлар "оқ жўхори" деб атайдиган Қўқон жўхорисидан тайёрланган "гўжа" ичишарди. Гўжа тайёрлаш сермеҳнат жараён бўлиб, аввал жўхорини ўғирда янчиб, элаб кепагидан ажратиб "оқланади". Кейин сувда бир марта қайнатиб олгандан сўнг, айрон ёки сут қўшиб пиширилади. Гўжа тайёрлаш жараёнида қозон юзасида 2-3 энлик кўпик хосил бўлади. Ана ўша кўпикни кеннойим кечки овқат ўрнида менга сузиб берарди. Нон ўрнида эса бир пиёла жўхори кепагига 1 пиёла йирик туз қўшиб ҳамир қилиб, нон қилиб, тандирда ёпиб берарди. Бу нарсани беш ёшли мендек нозик ниҳол гўдак бу ёқда турсин, шўр ва қаттиқлиги учун оч қолган ит ҳам емасдан ташлаб кетарди. Кеннойим мени очдан ўлдириш учун мана шундай кашфиётлар қилишдан ҳам чарчамас эди. Ўзлари учун жўхори унини сутга қориб, ҳосил бўлган ҳамирдан нон ёпишиб ердилар. Бу зоғора нон деб аталаркан. Бундай мазали нонга мен камдан-кам йилда 1-2 марта кеннойимнинг катта қизи Мукаррамхон касал бўлиб далага чиқмай уйда қолган пайтлари мушарраф бўлардим.

Мукаррам опам, оқ юзли келишган, инсофли, диёнатли қиз бўлиб, онасидан беркитиб менга овқат берар, далага сигир боққани кетаётганимда қўлтиғимга нон қисдириб юборарди. Бир куни мана шу меҳрибон опам далада кетмон чопаётиб кетмоннинг пеши оёғининг бош бармоғини кесиб кетибди. Шу баҳона бир ой ишга чиқмай уйда қолди. Менинг қишлоқда кечирган энг бахтли онларим шу кунлар бўлди. Ҳозирги кунда ҳам бу аёл ҳаёт, 6 нафар ўғил қизга она, 20 нафардан кўпроқ набираларнинг севимли бувиси. Кеннойимдан кейин тирик қолган зурриёд ҳам шу аёл: "Яхши бўлсанг-етарсан муродга", деган гаплар бежиз айтилмаган—да.

Қўқон атрофидаги туманларнинг иқлими ўзига хос. Об-ҳавоси қуруқ, ёмғир, қор кам ёғади. Лекин қиши-изғиринли жуда совуқ. Баъзан шундай қаттиқ шамоллар эсардики, одам буёқда қолиб, туяни ҳам юк-пуки билан осмонга учириб юборар даржада кучли келади. Буни "қуюқ" дейишар экан. Қуюқ келган пайтда от-аравада келаётган йўловчи ҳам ўзини панага олади.

Мана шундай изғиринли кунларда, албатта олди очиқ айвонда тунаб бўлмасди. Уйда эса мен учун жой йўқ. Қиш бўлса ҳам "костюм" ўзгармаган-ўша-ўша бош яланг, оёқ яланг, узун чопон. Айвонда ётолмасдан шу аҳволда чиқиб кетаман. Уруш туфайли, эгалари фронтга кетиб бўшаб қолган ташландиқ эски дўкон, маҳалла масжиди, бир пайтлар тинчлик замонида қурилган, ҳозирда ишламай турган қишлоқ амбулаторияси биноси каби-дуч келган жойда жон сақлардим. Туни билан ўтириб, тонг отгач дуч келган томонга қараб йўлга тушардим. Шу саёҳатларим жараёнида деҳқонтўдалик Султонмурод бува деган, қўшни маҳаллалик Аҳрорхожи бува деган, қўрғонча қишлоғидан Пирмат бува деган кишилар билан танишганман. Буларнинг барчаси ёшлари 70 дан ошган, нуроний чоллар бўлгани учун колхоздан пенсияга чиққан меҳнат фронтига ҳам чақирилмаган саноқли кишилар эди. Уларнинг ҳаммаси отамни кўрган ва таниган одамлар бўлгани билан, ўзлари ёрдамга муҳтож бўлатуриб, мендай ташландиқ етимчага ширин сўздан бошқа ёрдам бера олмасдилар.

Менинг аҳволимдан хабар топган қўни-қўшни, ҳамқишлоқ мурувватли аёллар эса бировининг эри, бошқасининг ўғли урушда, ўз муоммолари ўзларига етарли бўлсада, мени кеннойимдан ўгилликка сўрашар, бермаганидан сўнг "яширинча" мени чақириб олиб "меҳмон" қилишарди. Уруш пайти, бир бурда нон анқонинг уруғи. Шундай бўлса ҳам-бирон бир сиқим жийда, бошқаси 2-3 дона қурт ёки бир сиқим тут қоқиси-каби нарсаларни беришарди.

Шундай қилиб, эсон-омон қишдан чиқиб, баҳорга етиб олдим. Тутлар пишган пайт. Бир куни «Қўрғонча» номли қишлоқдан ўтаётиб, шохлари кўча томон эгилган тутнинг тагига тўкилган мевасидан биттасини оғзимга солдим. Жуда мазали. Иккинчисини олишга эндигина энгашган эдим, мени тупроқ аралаш тутни оғзимга солаётганимни кўриб эшик ёнидаги супачада чақалоқ эмизиб ўтирган келинчак чақириб олди:

-Хой бола, кимнинг ўғлисан?

-Билмайман.

-Отанг борми?

- Урушда.

-Онангчи?

-Билмайман.(Ҳақиқатдан онам бор-йўқлигини эслай олмасдим).

-Кимнинг уйида турасан?

-Амакимникида.

-Оти нима?

Айтдим.

-Менга ўғил бўлмайсанми?

-Кеннойим майли деса, бўламан.

Хуллас келинчак мени ўзига ўғилликка сўрагани учун мени уйда роса калтаклашди. Шундай қилиб орадан 2 йил ўтди. Уруш тугади. Йигитлар қайтиб кела бошлади. Кўчада одам кўпайди. Колхозда ишлашни хохламаган таниш-билиш амакилар Тошкентда ишлаб пул топиб келиш учун 2-3 ойга Тошкентга келиб кетишарди. Уларнинг икки нафари Шувлидаги эски сомон бозорида айланиб юришганда тасодифан онамга дуч келишади. (Ёши улуғ кишилар бизнинг қишлоқда таниш аёлларга сенсираб муомала қилишади). Онамни кейин айтишларича улар ўртасида қуйидагича гап бўлади:

-Ойша бувимисан?

-Ҳа, мен, ака. Ассалому алайкум.

-Уни қара-я. Ва алайкум-ассалом. Бу эринг Аҳмадали ўртоғимдан дарак бўлмадими? Афсус. Бу, синглим, хафа бўлмайсан-у, ўғлингни қишлоққа ташлаб қўйганинг ёмон бўлди-да, жигарим! Ўғлинг бечора, яланг оёқ, яланг бош, кўчада саргардон юрипти. Бу юришда у узоққа бормайди. Овсинингунга қарамай, ўз холига ташлаб қўйган. Биров ўғилликка сўраса бермайди. Болангни тезда олиб келгин. Ўлиб-нетиб қолса увол бўлади-я. Бу гапни эшитгандан сўнг, поездга чиқиш уёқда турсин, ўз маҳалласидан узоқни кўрмаган бечора онам, кейинчалик сўзлаб беришига қараганда, ўйлаб-ўйлаб поездга вагон кузатувчиси (проводник) бўлиб ишлайдиган қўшни маҳаллалик аёлга аҳволини айтиб ундан ёрдам сўрайди. У аёл онамни Бешариққача олиб кетишга рози бўлади...

**(Давоми бор)**

**Суннатуллоҳ АҲМАДАЛИЕВ**
**Тошкент шаҳри.**

**ҚИССАДАН ҲИССА**

# КИБР АҚЛНИ АЛДАЙДИ

Икки ошна шаҳарнинг ёнгинасидаги қишлоқда яшайди. Иккаласи ҳам шаҳарда фирма очишган. Бир-бирини қўллашиб, ишни анча юриштириб олишди. Уларнинг бири кумушранг, яна бири қоп-қора "Нексия"да юришади. Албатта "сотка" телефонлари ҳам бор.

Кеча Абдулазиз машинасини устахонада қолдириб келгани учун ошналар эрталаб Тоҳиржоннинг кумушранг "Нексия"сида ишга отланишди. Машина шаҳарнинг айланма ҳалқа йўлига чиққанида, Абдулазиз шеригига гап қотди.

- Шу жойда тўхтат! Анави Содиқ дангал мениям олиб кетинглар, деганди.



Машина йўлнинг четида тўхтади. Чап томонни лўли маҳалла дейишади. Ҳамиша исириқ тутатган лўли болалар шу ерда тўхтаган машиналар олдида ҳозир бўлишади. Содиқ дангал деганлари йўлнинг ўнг томонидаги маҳаллада яшайди. Қишда ҳам кўкрагини ланг очиб юрадиган бу йигитнинг қўли юпқароқ. Аммо дўстларга садоқати баланд. Дангал гапни хуш кўради.

Тоҳиржон машинадан тушиб, сигарет тутатди. Шу пайт унинг "сотка" телефони жиринглаб, унга қулоқ тутди.

- Алло! Ҳа, гапиравер? Нима?.. Туфламайсанми, башарасига. Бўрига рўпара келсанг, қашқир бўл, деб неча марта айтаман, сенга! Ўшанисини охирига етказмай, менга йўлиқма. Укдингми?!

Шу пайт қаёқдандир бошига оқ рўмолни танғиб ўраган бурундорроқ аёл машина олдида пайдо бўлиб қолди. Унинг кийимлари ҳам салгина уринганроқ, калиш-маҳсиси чангга беланганроқ эди. Тоҳиржон кампирни кўзининг қири билан кўрди-ю, садақа сўраб юрган лўли хотинлардан бўлса керак, деган ҳаёлда, унга қайрилиб боқмади. Хиёл оқсокланиб босаётган кампир машинага яқинлашгач, қаддини тиккалади.

- Шаҳарга борасизларми, болаларим?

- Йўқ, - жавоб қилди Тоҳиржон хушламайроқ. Сўнг сигарет қолдиғини ирғитиб, машинага ўтирар-ўтирмас, шеригига гап қотди. - Чиқмаяпти-ку, анави дангалинг?

Шериги кафтини оғзига қўйиб, эснади.

- Яна бироз кутайлик. Биздан ўпкалаб юрмасин.

Кампир кўзларини жавдиратиб машинанинг ичкарисига мўралади.

- Шаҳарга борсанглар мени ҳам ола кетинглар. Йўлкираниям бераман.

- Бормаймиз дедик-ку, - кесатиқ оҳангида гап қотди Абдулазиз. - "Дамас"ларга ўтирсангиз, олиб бориб қўяди.

Тоҳиржон бетоқатлана бошлади.

- Дангалинг чиқмайдиганга ўхшайди. Биронта машинада етиб олар.

- Жилавер, - ишора қилди Абдулазиз. - Мениям "ёнадиган" ишларим бор.

Машина ўрнидан силжиганда, орқадан кампирнинг овози эшитилди.

- Ҳей иккаланг! Омад қочди сенлардан. Одамни менсимай қўйишибсан.

Иккала бизнесмен бир-бирига маъноли қарашди. Тоҳиржон қовоғини уйди.

- Эшитдингми?! Вой ивирсқи-ей!

- Э, қўявер. Лўли валдирайди-да.

Тоҳиржон кампирга биронта аччиқ гап айтиб кетмоқчи бўлиб, машинани кескин тўхтатди-да, орқасига бўйланди. Бироқ таажжубда елка қисди.

- Қаёққа дап бўлди, анави лўли хотин?

Абдулазиз машинадан тушиб, ғудранди.

- Ер ютиб кетгандир. Лўлига ўхшамади лекин. Тилимизни бузмай гапирди.

Оқсоқланиб қадам босган кампир бир зумда қаёққадир ғойиб бўлганди:

- Э, қўявер, қўл силтади Абдулазиз, - ўзи нима-ю, башорати нима бўларди. Балким ажинадир. Кетдик!

Машина осма кўприкка яқинлашиб қолганда, Абдулазизнинг чўнтак телефони жиринглаб, дўстларининг ҳаёли бўлинди. У телефонни қулоғига қўйди.

- Эшитаман! Ҳа, менман!... Нима?! Ҳе, галварслар!

- Нима бўлибди? - шеригига юзланди, Тохиржон.

- Офисимиз ёниб кетганмиш. Тезлат!

Орадан беш дақиқа ўтар ўтмас, ошналар офис ёнига етиб келишди. Ўт ўчирувчилар ишни тугатишиб, терга ботиб туришган экан. Абдулазизнинг ранги оқарди. Сўнг қоқиниб-суриниб, сейф ёнига яқинлашди. Ҳароратнинг баландлигидан сейф ҳам эриб-пуччайиб қолганди. Абдулазиз юрагини уқалаб, ҳансираб нафас ола бошлади. Унинг юраги ушлаб қолганди. Тоҳир уни машинага ўтказиб, касалхонага олиб кетди. У ошнасини бир кишилик хонага жойлаб, ташқарига чиқди. Бу воқеадан уйдагиларни огоҳ қилиб қўйиш лозим эди. Машинага ўтириб, қишлоққа йўл олди.

Машина лўли маҳалла ёнидан ўтиб бораётганда, боя оқсоқ кампир турган жойга мўралади. Шу пайт унинг чўнтагида телефон жиринглади.

- Лаббай! Сенмисан?... Нима гап? Гапирмайсанми, чайналмай?! Нима?! Тоҳиржоннинг лаблари қуриқшаб, ютинди. Ишхонадан унга, Эрондан юк олиб келаётган машина ағнаб кетганини айтишди. У ана шу юкка кўз тикиб турганди. Нима бўлаяпти ўзи. Оқсоқ кампирнинг башорати тўғри чиққанди. У аслида ким эди?...

Ким бўлганда ҳам барибир инсон эди. У ҳам кимнингдир онаси. Оналарнинг ҳаммаси ҳам улуғ ва назари ўткирдир. Уларнинг ҳеч бирига нописанд боқиб бўлмайди. Тангри ҳам ўз шафоатини энг аввало оналарга раво кўради. Бу воқеа ҳам биз учун кичик бир сабоқ. Ишинг юришиб турганда, эскироқ кийимдаги онахонларга кибр билан қарама. Кибр ақлни алдайди. Ақлинг алдандими, дидинг ўтмаслашиб, ишинг орқага кетаверади.

**Комилжон НИШОНОВ**

# ҲАЙДОВЧИ МЕЛИСАНИ КЎРСА...

Тошкент яқинидаги Қибрай тумани тарафларига ўтсам нуқул қизиқ-қизиқ воқеалар ёдимга тушади. Балки бу йўллардан машҳур ёзувчилар, шоирлар ўзларининг Дўрмондаги боғига қараб ўтгани, ўтишаётгани учун, "Қозонга яқин юрсанг қораси юқар", - деганларидек, шулардан бир фоизгина юққан бўлса ажабмас. Ёзувчилар боғига етганимизда, ўнг тарафда, пастликда Қора-сув дарёси ўтади, шу дарёнинг ёнида Тўрт-кўрғон маҳалласи бўларди. Ҳозирда йўқ бўлиб кетган. Шу маҳаллада бувам амаким билан турарди. Амаким юк машинасини ҳайдарди. Ёш боламиз. Мактабдан таътилга чиққан пайтлар. Бир куни бувамнинг оёғи оғриб қолди. Амаким касалхонага олиб бормоқчи бўлди. Мен ҳам бир ўртоғим билан бирга борайлик дедим. Амаким юк машинада одам олиб юриш мумкин эмас, деди. "Кейин майли кўрпача солиб ётиб олинглар. Мелиса кўрса ҳужжатларни олиб қўяди. Ўриндан турманглар",- деб тайинлади. Катта йўлга чиққандан сўнг ётиб олдик. Дўрмондан Тошкент трактор заводигача юк машинаси юриши мумкин эмаслигини билса ҳам ҳеч ким тўхтатиб текширмас, деган ўй-хаёл билан машинани ҳайдади. Аммо поезд йўлига яқинлашганда мелиса тўхтатди. Амаким кабинадан чиқиб бизга "жим ётинглар" деди. Мелиса келиб ҳужжатларни олиб, "Бу йўлдан юк машинаси юриши мумкин эмас, яна тезликни ошириб кетаяпсиз, қаёққа шошаяпсиз?" - деди. Шунда амаким "Дадамнинг оёқлари оғриётувди, касалхонага шошаяпман", - дейиш ўрнига "Дадам оғир оёқли эди. Шунга шошаяпман", - деб юборди. Мелиса ходими ҳам шинаванда йигит экан, - "Майли тезроқ оборинг эсон-омон қутилиб олсин", - деб ҳужжатларни қайтиб берди. Амаким "раҳмат", - деди ва биз яна йўлга равона бўлдик. Шунда ойимнинг гапи эсимга тушиб қолди. Автобус-трамвайларга қорни катта хотинлар чиқиб қолса ойим, - "Тур жой бер, бечора оғир оёқли экан. Эсон-омон қутилиб олсин", - дерди. Касалхонага келдик. Биз ҳам машинадан тушдик. Шунда амакимга, - "Амаки бувам нечта туғаркин", - дедим. Амаким менга ялт этиб қаради. Шунда мелисага айтган гапини эслатдим. Хохолаб кулиб юборди. Ана шунақа. Ҳайдовчилар мелисани кўрса довдираб - лаббайни ҳам тополмайди. Бувамга айтиб бергандик, "Яхшиям туққани олиб кетаяпман", дебсан, "Ўлгани демаганингга шукр" деди.

**Хабибулла ИБРОҲИМОВ**

**ҲАНГОМА**

# ЖУДАЯМ СОДДА ЭДИ...

80-йилларда курсимизда бир йигит бўларди. Баланд бўйли, қоп-қора, сочлари жингала-жингала...Талабалар ҳам, домлалар ҳам уни бирдай "Отелло" дейишарди. Ўзи жудаям содда, оққўнгил бола эди. Паст Дарғомнинг "Чандир" қишлоғиданман, деб айтарди. Кўпгина сўзларда "а" унли товушини "о" билан, "у"ни эса "о" билан талаффуз қиларди. Бирор гап айтмоқчи бўлса "Бизгаям қўйош кўлиб боқар", деб қўярди. Лекин яхши ўқимаса ҳам, хато ёзса ҳам, қалби беғубор эди.



Биринчи курсда талай вақтгача институтнинг ошхонасидан бепул овқатланиб юрган (чет эллик деб пул олишмас экан). Шум жўралари бундан фойдаланар, "Бугун менинг навбатим, мен билан борасан", деб қўярди.

Ошхонада эса унга алоҳида эҳтиром кўрсатишаркан. Бош ошпаз ўзи хизмат қилар, қошиқ-санчқиларни тўғрилаётиб ора-чорада русчалаб "Қаерликсиз?", "Қайсида ўқияпсиз?" -деб сўраркан. Отелло чурқ этмасдан ўтиравераркан: "Ўрисчани бир оғиз ҳам гапиролмасам, тушунмасам, нима дейман?... Ҳо, энди бизгаям қўйош кўлиб боқди-да!"

Бугунгидай тийрамоҳ кунлари эди. Арнасой далаларида пахта тераётгандик "Министр Худойбердиев келармиш", деб қолишди. Бир пайт йўл четига зулукдай қора машиналар тўхтаб, министр Худойбердиев тушди-да, пахтазорга бир қур кўз югуртириб, ҳамроҳлари билан Отеллонинг олдига келди. Рус тилида салом бериб, қўл узатди. Отелло шошиб қолиб чанг қўлларини аввал этакка, сўнг костюмининг икки ёнига артиб-артиб, иккала қўлини баравар узатди:

-Оссоломалайкум, домла!...

-Молодец, парин! Молодец! Қаранг ўзбекчани жудаям тез ўрганиб олибди-я!- деди.

Курсдошлар кейин кулишди.

-Сени африкалик негрлардан деб ўйлади-да.

-Нима қилай бўлмаса, умримда катталар билан кўришмаган бўлсам, яна қўллари кир бўлиб қолмасин, дедимда.

Ҳали шу ҳазилларнинг тафти босилмай туриб, яна бир воқеа бўлди. Москвада Брежнев бова қайтиш қилибди. Кун пешиндан оққан маҳал пахта бошига қора шляпалар кийган вакиллар келишди. Қўлларимизда этакларимиз. Мотам маърузаси ўқилмоқда: -"...Халқлар отаси, доҳиймиз Леонид Ильич Брежнев вафот этди..."

Шу пайтда денг Отелло чўнтагидан ғижимланиб ётган рўмолчасини олдида, бирданига "Отам-а-ай!, Отам-а-ай!"- деб юборса бўладими?...

Ёнидаги болалар ўзларини қанчалик куч билан босишмасин, барибир шайтон зўрлик қилиб, хохолаб кулиб юборишди. Бу бир қизиқ, айни пайтда даҳшатли манзара эди. Домлалар, вакиллар шляпаларини олиб, бош яланг, мотам сукути сақлаб турар, бу ёқда йигитлар ўзларини кулгидан тўхтатишолмасди...

Кейин-чи, дейсизми? Кейин бояги кулган курсдошларимиз нақ ўқишдан ҳайдалиб кетай деди. Ота-оналари келиб тавба-тазарру қилишди:"Бир марта кечиринг, домлажон, болалик қилибди..."

Жазо тариқасида ҳар куни шийпон супуриб, ўтин ташиб, ўтин майдалаб юришган болалар Отеллодан хафа бўлишарди:

-Ўл-а, ҳамма бало сендан бўлди!

Отелло бечора шунда ҳам моҳиятни англаб етмас, кўзларини пирпиратиб:

-Мен билмасам, жўралар, энди шундай овоз чиқариб йиғлаймиз экан дедим-да. Ўзи нега кўлдиларинг? Таъзияда кўлмайди-ку, -дейди.

Содда эди бечора, жудаям содда эди!...

**Саъдина БОБОМУРОДОВА,**
**Жиззах вилояти Маънавият ва маърифат Маркази бош мутахассиси.**

# ХАВФ-ХАТАРЛИ,

*"Ёшлик-бебошлик", деганларидек, бундан 4-5 йил олдин захм-сифилис билан касалланган эдим. Шифокорлар бу касаллик фақат жинсий муносабат орқали юқтирилиши мумкинлигини, касалликни менга юқтирган одамни ҳам текшириб даволашлари лозимлигини айтишди. Ҳақиқатан ўзим алоқада бўлган ягона аёлни текширганда, унда ҳам шу касаллик борлиги аниқланди. Аёл ҳам савол-сўроқ қилинди. Маълум бўлдики, унга бу касаллик собиқ эридан ўтган экан. Собиқ эри илгари чет элда бир неча йил ишлаб келган экан, ажрашганидан сўнг яна кетиб қолибди. Иккаламиз ҳам даволандик. Бундан икки йил олдин мени касаллар рўйхатидан олиб ташлашди. Шундан бери бир неча марта текширувдан ўтдим. Ҳар сафар натижаси яхши бўлди. Яқинда уйланмоқчиман. Фарзанд кўришни истайман. Лекин ўша касаллик мен туфайли бўлажак хотиним ва фарзандларимда такрорланмасмикан? Ана шундан қўрқаман.*

**Эргаш.**

# МАККОР КАСАЛЛИК




***Қадимий Рим мифологиясида севги худосининг исми "Венера" бўлиб, эркак ва аёлнинг ўзаро жинсий муносабатлари оқибатида пайдо бўлган касаллик "венерологик касалликлар"- деб аталган. Бошқача қилиб айтганда инсон енгилтаклик, палапартишлик билан, жинсий алоқа қилиш оқибатида венералогик касалликлар билан жазоланган.***

1530 йили Италиялик Фракастро исмли шоир ва шифокор ўзининг "Сифолос исмли чўпоннинг азоблари" деб номланган поэмасида,- "Сифалос севги-муҳаббат худолари Венера ва Апаллонга ҳурматсизлик қилди, ўз навбатида бу худолар уни оғир касаллик билан жазолашди"- деб ёзган эди. Шундан сўнг жинсий йўл билан юққан касаллик "сифилис" деб номланиб, кейинчалик табобат илмида венералогик касалликлардан: сифилис, гонорея, трихомоноз, герпес ва ниҳоят аср вабросига айланган СПИД аниқланди. Бу касалликлар инсониятга катта хавф солаётган касалликлар сирасига кириб, ҳозирги кунда ер шари аҳолисининг бешдан бирида шу касалликлардан бири борлиги барчани ташвишга солаяпти. Статистик маълумотларга кўра бугун дунёда 20 млн.киши сифилис билан,150 млн. киши эса гонорея билан касалланган.

**Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги тери-таносил касалликлари диспансери бош шифокори- Шохида ЖАЛИЛОВА:**

-Жинсий муносабат орқали юқувчи таносил касалликларидан бирортаси билан оғриган инсоннинг

танаси

**Сифилис**-венералогик касаллик бўлиб, жинсий алоқа ва ўпишиш йўли билан юқади. Касалликнинг биринчи даврида инфекция тушган жойда кичик ,қаттиқ ва оғримайдиган ярача пайдо бўлади. Иккинчи босқичида касалда ҳолсизлик сезилиб, танасида қичийдиган тошмалар пайдо бўлади. Бу босқичда касаллик аёл ҳомиладор бўлса қорнидаги боласига ҳам юқиши мумкин. Иккинчи босқичда ҳам касалликни даволаш мумкин. Касаллик учинчи босқичга ўтса, қориндаги бола кўр, кар бўлиб туғилиши мумкин. Кўпинча ички органлар шикастланади.

кўпгина юқумли касалликлар билан оғришга мойил бўлиб қолади. Масалан сифилисни юқтирган инсон узоқ вақтгача хасталикка чалинганлигини сезмаслиги мумкин. Касаллик фақат бир ой ёки 50 кунлардан кейин ўзи ҳақда билдиради. Шундан сўнг инфекция тушган жойда кичик ,қаттиқ ярача (шанкр) пайдо бўлади. Ярача оғримайди. Фақат унинг атрофидаги лимфа тўқималарида бир оз шиш сезилиши мумкин. Оғримаганлиги сабабли кўпинча унга эътибор ҳам беришмайди. Яра 5-6 ҳафтадан сўнг ўз-ўзидан йўқолиб, ўрнида из қолади. Ўшандан кейин бемор ўзини ёмон ҳис қилиб, танасида тошмалар пайдо бўлади. Улар қичийди. Хатто оғиз бўшлиғида ҳам яралар пайдо бўлиб, томоқ оғригандек бўғилади. Аста-секин сочлари, қошлари тўкила бошлайди. Гап нимадалигини билмай томоғини ёки сочларини парваришлашга ўтганлар ҳам бўлади. Лекин шифокорга бориб кўринмайди. Айнан шу даврида касаллик фаоллашади ва касалланган киши атрофидагилар учун хавф-хатарга бой инфекция ўчоғига айланади. Ундаги бошқаларни зарарлантириш муддати 3 йилдан 6 йилгача давом этиши мумкин. Бу даврдан сўнг касаллик гўё ўтиб кетгандек бўлади. Аслида, у яна киши организмига беркиниб олиб, ўзининг бош кўтариш вақт-соатини кутаётган бўлади. Хатто яна бир неча марта тошмалар тошиб, улар ҳам ўтиб кетиши мумкин. Бироқ 6-8 йилдан сўнг сифилис касаллиги ўзининг учинчи босқичига ўтади ва энди уни батамом тузатиш ва танадан ҳайдаб чиқариш амри маҳол бўлиб қолади. Ўшанда ҳам касаллик даволанмаса, инфекция умуртқа поғона, бош мия, асаб системасини, эшитиш қобилиятини, кўриш қобилиятини, ички органлардан айниқса жигар, буйрак, юрак фаолиятини ишдан чиқаради.

**-Бу касаллик юқиши ва ривожланишида ким айбдор?**

-Ҳар бир инсоннинг ўзи айбдор. Тасодифий жинсий муносабатлар эртами-кечми шу касалликлардан бирига чалинишга олиб келиши аниқ. Тўғри, баъзи бировлар эҳтиёт чораларини кўриб презервативдан фойдаланиши мумкин. Лекин текширув хулосаларига кўра презервативлар 10 дан 9 холатда ҳимоя бўла олсада, қолган бир ҳолатнинг ўзи ҳам жуда катта хавф ҳисобланади. Кўпчилик, айниқса аёллар бундай ҳолатда ўз касаллигини ҳар хил дорилар билан беркитиши ёки ўзида шундай касаллик мавжудлигини умуман билмаслиги мумкин. Сабаби, сифилис ва бошқа жинсий касалликлар аёлларда кўпинча бачадон ичида бўлиши панд беради. Касаллик яна ифлос шприслардан фойдаланишдан ҳам юқиши мумкин.




**-Сифилис касали идиш-товоқ, ўрин-кўрпа ва ҳоказолардан юқиши мумкинми?**

- Қоидага биноан мумкин. Масалан тананинг бирор жойи кесилган, тирналган бўлса ўша жойига ҳар қандай инфекция, шу жумладан венералогик касаллар инфекцияси тушиши мумкин. Сифилисга йўлиққан пуфловчи мусиқа асбоби ўқитувчиси, битта асбобдан фойдаланишгани сабабли ўқувчисига ўз кассаллигини юқтиргани аниқланган. Инфекцияни эса фақат қон анализлари хулосасига кўра аниқлаш мумкин.

- **Касаллик юққанлигини билмасдан ва даволанмасдан қанча вақтгача юриш мумкин?**

- Бир неча йил. Ҳатто даволангандан кейин ҳам сифилис касаллигини қўзғатувчи микроблар танада узоқ вақтгача сақланиб қолиши мумкин. Сабаби, бу касаллик инфекцияси жуда юзсиз бўлиб, яширин ҳолатда ривожланади ва пайт топиши билан яна бош кўтаради.

**-Демак бу касалликни юқтирган одам беморга айланганини анча вақтгача сезмаганлиги учун шифокор ҳузурига кеч бораркан-да?**

-Тўғри баъзилар касалга чалинганини сезмай юради. Бошқа бировлар касал эканлигини сезади-ю, уялганидан онгли равишда шифокор ҳузурига боришдан қочади. Аслида нима бўлганда ҳам дарҳол шифокорга кўриниш шарт. Эндигина бошланган касалликни даволаш ва танадан батамом чиқариб юбориш ҳар холда осон кечади. Хатто тасодифий жинсий алоқада бўлганлар ҳам дарҳол қон топшириб туришлари лозим. Одамлар бу борада лоқайд ва эътиборсиз муносабатда бўлганликлари сабабли, 25-40 ёшлардаги эркак ва аёллар ўртасида ушбу касаллик кўпроқ учраяпти.

- **Сифилис ёки бошқа шу турдаги касалликлар билан касалланганлардан СПИДни аниқлаш учун ҳам қон олиниб текширилар экан. Бунга сабаб нимада?**

- Сабаб шундаки, сифилис касаллигининг орқасида албатта СПИД касали турган бўлади. Сифилис ёки бошқа жинсий касалликлар билан зарарланган танада СПИД учун эшиклар доим очиқ бўлади. Биринчиси иккинчиси учун асос ҳозирлайди.

**-Сифилис билан касалланган хомиладор аёл ўзидаги касалликни фарзандига юқтириши мумкинми?**

-Касалликнинг актив даврида бола онасидан ортирган касал билан туғилиши мумкин. Лекин маълум бир босқичларида шифокорлар назорати остида соғлом бола туғилиши ҳам мумкин. Бироқ нима бўлганда ҳам касаллик

даврида

**Гонорея**-венералогик-касаллик бўлиб,кўпинча кир-чир юришдан инфекция юқтириш йўли билан пайдо бўлади. Ҳатто чақалоқлар туғруқ пайтида инфекция юқтиришлари мумкин. Эркакларда пешоб пайтида ачишиш пайдо бўлиб, сийдик билан йиринг оқади, аёлларда ҳам пешоб пайтида оғриқ бўлиб, ажралма пайдо бўлади.

фарзанд кўришдан сақланган маъқул. Тажрибамизда сифилис билан касалланган она,бола туққандан сўнг, зудлик билан бизнинг касалхонамизга келтирилган. Она-бола маълум муддат давомида бизда даволанишган. Аслида бу касалликларнинг ҳеч қайсиси насл сурмайди, лекин инфекция тушиш йўли билан юқиши мумкин.

**-Касалга чалинганлар қандай аниқланади? Аниқлангандан сўнг касалликни бартараф этиш учун қандай чора-тадбирлар кўрилади?**

- Касалликни аниқлашнинг йўллари кўп. Жуда камдан-кам одам ўз хоҳиши билан муаммоларини айтиб, ёрдам сўраб келади. Кўпчилик анча вақтгача касалликни сезмаслиги сабабли келмаса, қолгани билса ҳам келмайди. Бироқ ҳар бир одам йил давомида бирор бир оғриғидан шикоят қилиб шифокор ҳузурига албатта келади. Шифокорлар қонни текшириш учун лабораторияга йўллайдилар. Аёллар эса турли

сабабларга

**Трихомоноз-**
Жинсий аъзо шамоллашдан ёки шу касалликнинг инфекцияси жинсий йўл билан ўтишдан пайдо бўлади. Белгилари кучли қичишиш, йирингли ажралма пайдо бўлиши билан сезилади.

**СПИД-**
Инсон танасидаги имунитетнинг, яъни касалликларга қаршилик кўрсатувчи қувватнинг йўқолиши. Ҳозирги кунда давоси йўқ хасталик ҳисобланади. Инсондан инсонга асосан жинсий алоқа йўли билан ёки қондан юқиши мумкин.

кўра шифокор кўригидан ўтадилар. Ҳеч бўлмаганда ҳомиладорликлари учун рўйхатда бўладилар. Баъзида туғуруқхонага туғиш учун келган аёлнинг қонида касаллик аломатлари бўлиши мумкин. Бундайлар қайта текширувдан ўтказилиб, даволанишлари учун зудлик билан махсус шифохоналарга келтириладилар. Туғруқхонадан чақалоғи билан келтирилган аёлнинг қонида сифилис касаллигининг аломатлари аниқланган бўлса 28 кун даволанади. Чақалоғи учун яна 14 кун қўшилиб, 42 кун давомида даволанади. Касаллик келиб чиқиш сабаблари аниқланади. Шифокор назоратига олинади ва шахси сир сақланади. Шундай касалликка чалинганлар ёки гумонсираганлар бемалол келиб, бизда тиббий кўрикдан ўтишлари мумкин.

- **Юқоридаги касалликларнинг олдини олиш ва ёшлар ўртасида тарқалишидан сақланиш учун қандай чора-тадбирлар кўрилаяпти?**

-Республикамизда жисмонан ва руҳан соғлом ёшларни тарбиялаш, энг аввало соғлом оналардан соғлом фарзандлар туғилишига алоҳида эътибор берилаяпти. Аҳоли ўртасида гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, фоҳишабозлик иллатлари мавжуд экан, ёшларимиз ҳар хил ёмон оқибатларга олиб келувчи касалликларга чалиниб қолишдек хавфдан холи бўлолмайдилар. Шунинг учун ҳукуматимиз қарорига асосан оила қуришни истаган барча йигит-қизлар албатта тиббий кўрикдан ўтишлари шарт. Шу чоранинг ўзиёқ қанчадан-қанча ёшлар соғлиғини асрашга хизмат қилади. Қолаверса, ошхоналарда, болалар боғчаларида, озиқ-овқат дўконларида ишловчилар ва ўқитувчилар шифокор кўригидан мажбурий равишда ўтадилар. Статистик маълумотларга кўра, аҳолининг 93 фоизи йилига бир марта албатта шифокор кўригидан ўтар экан. Мактабларда, коллежларда, олийгоҳларда ёшлар билан шу соҳага бағишланган суҳбатлар ўтказилади. Радио эшиттиришлар, телекўрсатувлар кўрсатилади. Ҳар бир одам тўғри ҳаёт кечирса, ахлоқан пок бўлса, соғлом турмуш тарзига риоя қилса ўзи учун ҳам, яқинлари ва атрофдагилар учун ҳам хавфли, хатарли касалликларга чалинмаслиги аниқ.

**САИДА ва Л.АҲМЕДОВА тайёрлашди.**

## БОЛАЛИ УЙ БОЗОР

Швециялик тадқиқотчиларнинг фикрича, дунёдаги энг маҳмадона одам тўрт ёшли бола экан.

Тўрт ёшли бола бир кунда онасига 420 та савол берар экан. Унга жавоб қайтариш учун онанинг бардоши жойида бўлиши керак. Умуман 4-5 ёшли болалар бир кунда 14 мингта сўз айтсалар ҳам чарчамас экан.

Оилада эгизак фарзанд туғилса-чи? Она бечора уларнинг саволига жавоб бераверib чарчаса керак дерсиз? Йўқ, оналар уларнинг саволига жавоб топиб, беғуборликдан ҳузур оларкан. Қарангки, болаларнинг саволи ҳам мияни дам олдириб, юрак-қон-томир фаолиятини мўътадиллаштираркан. Ана шунинг учун ҳам халқимиз болали уй бозор деб, бежиз айтишмайди-да. Майли, бозор бўлаверсин, болаларнинг вижир-вижирида ҳам ҳикмат йўқ эмас экан. Ҳеч бўлмаганда, болали уйга ғийбат ораламайди-ку, ҳар қалай.

## ЎН ЁШЛИ ҚАРИЯЛАР

Бирмадаги удумга кўра, боланинг умри узоқ бўлсин, деган ниятда янги туғилган чақалоқни 60 ёшли, деб ҳисоблашаркан.

Бунинг боиси, чақалоқ йилдан-йилга кучга тўлиб, ёшариб боришини орзулашаркан. Шундай қилиб, бола 20 ёшга кирганида, 40 ёшли деб саналаркан. Бора-бора 60 ёшга етганида, бир ёшга тўлди, деб ҳисобланаркан.

Агар одам олтмиш ёшдан ошиб кетса-чи? Унда ҳисоб яна “нолдан” бошланаркан. Яъни 65 ёшида ўзларини 5 ёшдаман деб ўйлашаркан. Шу боисдан бу мамлакатда, тўрт-беш ёшли қарияларни учратиш оддий ҳол саналаркан. Ҳар қалай бу удумнинг руҳиятни мустаҳкам сақлашдаги аҳамияти ҳам йўқ эмасга ўхшайди. Ҳинд океани бўйига жойлашган бу мамлакатда узоқ умр кўрувчилар ва қариб қолса ҳам бардамликни йўқотмовчилар кўп эканлиги таъкидланмоқда.

## ДОВЮРАК КЕЛИНЧАК



Яқинда Испаниялик 19 ёшли Анжела Гарцол исмли полвон қиз куёвга чиқди. Қиз бола ҳам полвон бўладими, дерсиз?

Гап шундаки, Анжела оилада ёлғиз қиз бўлгани учун отасининг ёнида ёшлигидан тош кўтаришни, кафти билан тахтага мих қоқишни, арматураларни эгиб ташлашни машқ қилиб улғайди. Шу боисдан у 19 ёшида полвон бўлиб танилди. Муҳаббатнинг кўзи кўр бўлар, деганича бор экан. Анжела ўзидан бир ёш катта бўлган нимжонгина йигитга турмушга чиқди. Келиннинг вазни салкам юз килограмм бўлса, куёвнинг оғирлиги 56 килограмм.

Иккиси биргаликда театр томошасидан чиқишиб келишаётган пайтда, нима бўлди-ю йўлда қаҳвахонадан чиқишган тўртта маст киши уларга гап отиб қолди. Уларнинг бири эса келинчакнинг йўлини тўсиб, тегажоқлик қилган эди, Анжела шапалоқ билан унинг чеккасига чунонам туширди-ки, бечора тўрт метрча жойга учиб тўшди. Унинг шериклари эса полвон келинчакка таъзим қилиб, йўл бўшатишди. Шунақаси ҳам бўларкан.

## ИТНИНГ КАТАГИДАГИ ЧАҚАЛОҚ

Избоскан туманидаги Тўрткўл қишлоғида ярим тунда аёл кишининг дод солгани эшитилди. “Болам йўқолди, войдод!”

Унинг қизлари уйғонишиб, аввалига нима бўлганига тушунишмади. Қўни-қўшнилар ҳам дарҳол етиб чиқишди. Саккиз ойлик Зиёдбек йўқ эди. Яъни ярим тунда уйғонган Мавжудахон ая ёнидаги тўшакка қараб, қўрқиб кетди. Зиёдбек ухлаб ётган жойида йўқ эди. Шоша-пиша чироқни ёқиб, уйни, даҳлизни қараб чиқди. Ўғилчасини топа олмай дод солган эди.

Югур-югур бошланди. Мавжудахон аянинг далада сув қўяётган эрини ҳам топиб келишди. Аммо чақалоқни топиб бўлмади. Бир маҳалда Мавжудахон аянинг қизалоғи итнинг катагига мўралаб бақириб юборди.

- Мана, Зиёдбек!

Маълум бўлди-ки, Зиёдбек катак ичида бешта бола туққан олапарнинг кучукларини ўйнаб ўтирган экан. Демак унинг уйқуси қочиб, кучуклар билан ўйнаш учун эмаклаб айвонга чиқиб кетган экан. Ёзда салқин ҳаво кириб турсин, деб эшиклар ҳам очиб қўйилади-да.




## 2 ЮРАКЛИ ОДАМ

Қаранг, дунёда икки юракли одам ҳам бўларкан. Аргентиналик Андрико исмли йигитнинг юраги иккита эмиш.

Юракнинг бири меҳнатсеварлик ва муҳаббатга иккинчиси эса лоқайдликка мойил экан. Агар Андриконинг муҳаббатга мойил юраги фаол ишлай бошласа, севган қизи томонга талпиниб қоларкан. Агарда йўлда бораётганда, дангасаликка мойил юраги фаол ишлаб қолса, орқасига қайтиб ҳам келавераркан.

Кунларнинг бирида Андрико чиройли кийиниб, севгилиси қўй боқиб юрган яйлов томон йўл олибди. Эндигина яйловга етиб борганида эса, лоқайдликка мойил юраги фаол ишлаб, тошга суяниб ухлаб қолибди. Чўпон қиз унинг шу томонга келаётганини кўрган экан. У қўйларни Андриконинг қораси кўринган томонга ҳайдабди. Олдинда бораётган эчки эндигина Андриконинг қўлидаги гулдастани ейиш учун бўй чўзганида “Чўпон қиз қўлидаги таёқчани отиб юборибди. Таёқ сапчиб бориб, Андриконинг пешонасига тегибди. У чўчиб уйғонганда севгига мойил юраги фаол ишлай бошлабди. У севгилиси томонга талпинибди. Қарангки, ошиқ қизнинг таёғи ҳам, ошиқ йигитга шифо экан.

## ОФАРИН ЯПОНЛАР!

Японлар дунё бўйича энг узоқ умр кўраётган халқ саналаркан. Бу ерда одамларнинг ўртача умр кўриши 79 ёшни ташкил этади.

Хўш, бунга японларнинг ўзлари қандай баҳо беришмоқда. Улар албатта хушмуомалаликни биринчи ўринга қўйишмоқда. Ғазабланиш ва тушкунлик одамнинг умрини қисқартирувчи фалокат экан. Шу боисдан японлар ҳамма жойда одамнинг кайфиятини кўтарувчи омилларни ўйлаб топишади.

Бу мамлакатда ҳам қизиқчилар, масхарабозлар анчагина бор. Бироқ улар кўп вақт катта-катта фирмаларнинг ишчи ва хизматчилари хизматида бўладилар. Одамда тушликдан сўнг 20 минут ичида ишчиларни кулдириб, руҳини кўтарадилар. Барибир хушмуомалалик японлар учун миллий удум бўлиб қолаётганлиги муҳимдир.

## ЭРСИЗ ҚОЛДИ



## ФОЛГА ИШОНИБ.

Индонезиялик Савила исмли аёл доимо эрини рашк қилгани-қилган эди. Эри балиқ овига кетса ҳам, кимгадир илакишиб кетган, деб гумон қилаверарди. Эрининг қайтишига жанжални бошлаб юборарди.

Кунларнинг бирида Савила эрининг қайси жонон билан илакишиб қолганини билгиси келиб, фолбинга борди. Фолбин эса: “Эринг сариқ кийимли бир хурилиқо билан дон олишиб юрибди. Эҳтиёт бўлмасанг, сени ташлаб кетади”, деб айтди.

Аслида фолбин шунчаки валдираб қўйганди халос. Савила унинг гапидан ташвишга тушиб, эрига мени ҳам балиқ овига бирга олиб кетасан, деб туриб олди. Эри уни ҳам қайиққа ўтказиб балиқ овига йўл олишди. Ов жуда яхши бошланди. Эри тушликни егандан сўнг қайиққа чўзилиб, жиндай мизғиб олмоқчи бўлди. Савила эса дастурхонни йиғиштириб бўлгач, қирғоққа қараса, аллаким сариқ матони ҳилпиратиб, ниманидир ишора қилаётган экан. Савила уни эримни хурилиқоси бўлса керак, деб тушунди ва уни уйқудан уйғониб, кетиб қолмасин, деган мақсадда иккала оёғини ҳам арқон билан бойлаб қўйди.

Шу пайт эри чўчиб уйғонди ва ўрнидан турмоқчи бўлиб интилганда, қайиқдан сувга қулаб тушиб, иккала оёғи бойланганни учун чўчиб кетди. Сариқ байроқни хилпиратган киши эса, балиқчиларни бўрон бошланаётганидан огоҳлантирган экан. Савила фолбинга ишониб, эрсиз қолди.

## КУЁВНИ ҚАЙНОНАЛАР ТАНЛАЙДИЛАР

Болгариядаги удумга кўра: ҳар йили Европол шаҳрида куёвлар танлови мусобақаси ўтказилади. Унда куёвни қайноналар танлайдилар. Куёвлар кўриги мусобақасида уйланишга жазм қилишган йигитлар майдонга чиқишиб, ўзларини нимага қодирлигини намойиш этадилар. Савол-жавоблар ҳам, спорт беллашувлари ҳам бўлиб ўтади. Уларга эса бўлажак қайнона ва қайноталарнинг ўзлари ҳакамлик қиладилар. Ғолибларни ҳам уларнинг ўзлари аниқлайдилар.

Йигитнинг чаққон ва кучлилигидан, ақл-фаросатидан кўнгли тўлган тақдирдагина, бўлажак қайноналар йигитнинг пешонасидан ўпиб, розилик берадилар. Ана шундан сўнггина, тўй бошланади. Демак, бўшашган йигитларга бу ерда уйланиш ҳам осон эмас экан.

К.НИШОНОВ тайёрлади

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила -133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти- 20.00. Босишга топширилди- 21.00

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 1040. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 16145
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — Н. ЙЎЛДОШЕВА
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ

1 3 4 5 6